Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 15-fevral, shanba № 14 (8663)

Боқий фикр

Биз ёш авлодни болалар боғчасига қатнаётган давридан бошлаб халқимизнинг асрлар давомида шаклланган Шарқ педагогикаси, умумбашарий қадриятлар асосида тарбиялашимиз лозим.

Ислом КАРИМОВ

14-fevral — Zahiriddin Muhammad Bobur tavalludi kuni

УЛУҒ ШОИРГА ЭҲТИРОМ

Андижонда мумтоз адабиётимизнинг йирик вакили, буюк шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 531 йиллигига бағишланган адабий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.



Ёзувчи ва шоирлар, бобуршунос олимлар, адабиёт ихлосмандлари, талабаёшлар иштирок этган тадбирда бебаҳо маънавий меросимизни тиклаш, ривожлантириш ва кенг намойиш этиш жараёнида улуғ ватандошимиз Бобур Мирзонинг ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Ёшларнинг қалби ва онгига Ватанга муҳаббат, эзгулик, инсонпарварлик каби эзгу ғояларни мустаҳкам қарор топтиришда Бобур меросининг ўрни ва аҳамияти катта.

Тадбирда шоир номи билан аталувчи вилоят мусиқали драма ва комедия театри жамоаси томонидан тайёрланган Бобур ҳаёти билан боғлиқ саҳна кўринишлари намойиш этилди. Шоир ғазалларидан намуналар ўқилди, қўшиқлар ижро этилди.

Боғи Бобурдаги "Бобур ва жаҳон маданияти" музейида ташкил этилган "Бобур ва адабий муҳит" илмий-амалий анжуманида шоир асарларидаги миллий ва умуминсоний ғоялар, ёш авлодни азалий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга бағишланган маърузалар тингланди.

— Улкан маънавий хазина бўлган Бобур ижоди, айниқса, унинг адабиёт, тарих, тилшунослик, ҳуқуқшунослик, мусиқа ва географияга оид асарлари бизга тарихимиз ҳақида қимматли маълумотлар бериш билан бирга, ўзлигимизни англашда бебаҳо манба бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид. — Бобур лирикаси эса ўзбек мумтоз адабиётининг энг ёрқин саҳифаларидан биридир.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎзА мухбири

Зуҳириддин УМРЗОҚОВ (ЎзА) олган сурат.

Oliy Majlis Qonunchilik palatasida

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш чора-тадбирларини амалга ошириш истиқболлари мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

ИЛМИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Унда парламент қуйи палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Олий аттестация комиссияси вакиллари, мутахассислар, ёш олимлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари раиси А.Маматов, Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Б.Усмонов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ижро аппарати раҳбари О.Парпиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим ва илм-фан тизимини ислоҳ этишга йўналтирилган изчил ислоҳотлар ёшларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, замонавий технологияларни чуқур эгаллашига кўмаклашиш ҳамда илм-фан соҳасини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 24 июлда қабул қилинган "Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда дастуриламал бўлаётир.

Фармонга асосан мамлакатимизда илмий кадрларни аттестациядан ўтказишнинг халқаро миқёсда тан олинган талабларга мос келадиган, фан доктори илмий даражасини олиш учун тўғридан-тўғри докторлик диссертациясини ҳимоя қилишни назарда тутувчи олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий этилди.

(Давоми 2-бетда.)

СИФАТЛИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМНИ ЖОРИЙ ЭТИШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

2014-yil — Sog'lom bola yili

Пойтахтимизда «Сифатли мактабгача таълимни жорий этишда янгича ёндашув» мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Халқ таълими вазирлиги томонидан ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда турли вазирлик ва идоралар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, илмий тадқиқотчилар, амалиётчи-мутахассислар ва хорижлик экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.Иноятов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева ва бошқалар мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашнинг изчил механизми яратилганини, узлуксиз таълим тизими ҳаётга татбиқ этилиб, унинг дастлабки ва муҳим бўғини сифатида мактабгача таълимга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда юртимиздаги беш мингдан зиёд давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасаларида 581,5 минг ўғил-қиз тарбияланмоқда. Бошланғич таълим-тарбия бериш ва болаларни мактабга тайёрлашнинг муқобил шакллари — қисқа муддатли ўқув гуруҳлари, саводхонлик марказлари, якшанба мактаблари, мактабдан ташқари таълим муассасалари ташкил этилган. Улар зарур жиҳоз ва ўқув-услубий воситалар, мантиқий интеллектуал ўйинчоқлар билан таъминланган. «Таълим ҳамма учун» маслаҳат маркази имкониятларини чекланган болалар билан шуғулланади, ота-оналарга зарур маслаҳатлар беради.

(Давоми 2-бетда.)

«МАҲОРАТ МАКТАБЛАРИ»

унда ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатилмоқда

Ўтган ўқув йилининг март ойидан бошлаб Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети билан тузилган ҳамкорлик шартномасига кўра Тошкент вилоятидаги таянч умумтаълим муассасалари негизида 19та фан бўйича ташкил этилган «Маҳорат мактаблари»да ўқитувчиларга самарали методик ёрдам кўрсатилмоқда.

5-бет

БИЛИМ, МАЛАКА, КЎНИКМАЛАР

якуний аттестация ва босқичли назорат имтиҳонларида намоён бўлади

Умумий ўрта таълим муассасалари, ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатлар битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси ва синфдан-синфга кўчириш босқичли имтиҳонлари тартиби билан танишинг.

8—9-бетлар

2014-yil 15-fevral, № 14 (8663)

СИФАТЛИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМНИ ЖОРИЙ ЭТИШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Юртимизда МТМлар оммавий, ихтисослаштирилган ва санатория типидаги муассасалар сифатида фаолият юритади. Давлат таълим талабларига кўра уларда болалар жисмоний, ижтимоий-ҳиссий ривожлантирилиб, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ва гигиена талабларига ўргатилади ҳамда нутқ, ўқиш ва билим олишга тайёргарлик босқичларини ўтайди, атроф-муҳит тўғрисида тасаввурларга эга бўлади. Бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш мақсадида махсус «Болажон» таянч дастури амалиётга жорий қилинган.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида мактабгача таълим муассасаларида ҳам тўгараклар ташкил этилиб, болажонларга хорижий тиллар ўргатилмоқда.

Узлуксиз таълим тизимининг қуйи бўғинини янада такомиллаштириш, жараёнга таълим-тарбиянинг илғор методлари ва замонавий ахборот-коммуникация воситаларини жорий этиш мақсадида халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан яқин алоқалар ўрнатилгани ҳам ўз самарасини бераяпти. Жумладан, ЮНИСЕФ билан ҳамкорликдаги «Бола шахсига йўналтирилган таълим» лойиҳаси доирасида мактабгача таълим муассасаларига зарур методик қўлланмалар, дастурий воситалар етказиб берилмоқда.

— 2014 йил юртимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилингани ҳам мамлакатимизда ёш авлод камолига нечоғлик катта эътибор қаратилаётганини англатади, — дейди Халқ таълими вазирлигининг бўлим бошлиғи Сабоҳат Миржалилова. — Республикамизда болаларни илк ёшидан соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, қобилиятларини ривожлантириш учун аниқ дастурлар ишлаб чиқилган. Бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришда халқаро тажрибани ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Икки кун давом этган тадбирда ўзаро тажриба алмашилиб, янги лойиҳалар устида фикрлашилгани хорижлик мутахассисларда ҳам катта таассурот қолдирди.

— Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими жадал ривожланаётганига, болаларни кичик ёшлигидан ҳар томонлама ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилганига гувоҳ бўлдик, — дейди польшалик фан доктори Петр Олаф Жилич. — Юртингизда бошланғич таълим тизимини такомиллаштириш, педагоглар малакаси ва маҳоратини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан ҳам танишдик. Ўйлайманки, бу ерда билдирилган фикрлар келажакда кўплаб янги таълимий лойиҳалар яратилишига хизмат қилади.

Давра суҳбати давомида мактабгача таълим масканларида маърифий-тарбиявий ишлар сифатини юксалтириш, тарбия жараёнида жамоатчилик ва ота-оналар фаоллигини таъминлаш, Ўзбекистонда инклюзив таълим самаралари, соҳа мутахассисларини тайёрлашнинг замонавий стратегияси, ҳудудларда мактабгача таълим сифатини янада ошириш, болаларни МТМларга қамраб олиш ишларини яхшилаш каби мавзуларда ҳам фикр алмашилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Гулюз ОРИФЖОНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

АКАДЕМИК ОСТОН ЖАЛИЛОВ

Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради. Ғўза генетикаси ва селекцияси соҳасидаги йирик олим, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Остон Жалилов 77 ёшида вафот этди.

О.Жалилов 1937 йили Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида деҳқон оиласида туғилди. 1961 йили Тошкент давлат университетини тугатиб, Фанлар академиясининг Ўсимликлар экспериментал биологияси (ҳозирги Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси) институтида кичик илмий ходим сифатида иш бошлади. 1967 йилда номзодлик, 1983 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

Истеъдодли олим ўзининг 50 йилдан ортиқ илмий фаолияти давомида Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида катта илмий ходим, лаборатория мудири, директор ўринбосари, Фанлар академиясининг "Биолог" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори каби масъул лавозимларда хизмат қилди ва юртимизда ғўза селекцияси соҳасидаги долзарб масалаларни тадқиқ этиш, шу йўналишда юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Заҳматкаш тадқиқотчининг ғўза селекциясининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган ўнлаб мақола ва рисолалари, илмий ихтиролари кенг жамоатчиликка яхши маълум. У ҳамкасблари ва шогирдлари билан сифатли ва пишиқ тола берадиган, эртапишар, турли касалликларга чидамли ғўза навларини яратиш борасида самарали фаолият кўрсатди.

Таниқли олимнинг бевосита раҳбарлигида ўндан ортиқ фан номзоди ва докторлари тайёрланган.

Академик О.Жалиловнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У "Ўзбекистон Республикаси фан арбоби" фахрий унвони билан мукофотланган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Остон Жалиловнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, Ш.СОЛИҲОВ

ИЛМИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган талабларга мувофиқ катта илмий ходим-изланувчи институти жорий этилди. Иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш мақсадида бакалавр дипломига эга бўлиб, камида беш йил амалий иш стажига эга мутахассисларга мустақил изланувчи тартибида фан доктори илмий даражасини олиш учун илмий фаолият билан шуғулланишга имконият яратилди.

Ушбу фармоннинг қабул қилиниши ва амалиётга татбиқ этилиши соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштиришни тақозо этди ва бир қатор қонун ва кодексларга тегишли ўзгартишлар киритилди.

Тадбирда олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш, илмий тадқиқотлар сифатини ошириш ва ишлаб чиқариш билан узвийлигини таъминлаш, иқтидорли ёшларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини намоён этишига шароит яратиш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш, бу йўналишдаги ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

МАЪНАВИЙ ХАЗИНА

Tashabbus

Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ташаббуси билан пойтахтимиздаги 41та академик лицей ва 79та касб-ҳунар коллежида шу йилнинг 10 февралидан 15 февралига қадар «Адабиёт ҳафталиги» эълон қилинди. Шу муносабат билан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида навоийхонлик, бобурхонлик кечалари, таниқли ёзувчи-шоирлар ва санъаткорлар, ўз соҳасининг етук мутахассислари иштирокида маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

— Ёшларнинг келажакда қандай инсон бўлиб вояга етиши бугун таълим масканларида берилаётган билим ва тарбия сифатига кўп жиҳатдан боғлиқ, — дейди Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг бўлим бошлиғи Замира Азимбоева. — Ўрта махсус таълим даргоҳларида «Адабиёт ҳафталиги»ни юқори савияда, зиёлилар, соҳа мутахассислари иштирокида мазмунли ўтказиш бўйича зарурий тавсиялар берилди. Тадбир иштирокчиларини нафақат адабиётга қизиқтириш, балки "оммавий маданият"нинг турли таъсирларидан асраш, бобомерос қадрият ва анъаналаримизга садоқат руҳида тарбиялашга эътибор қаратилди.

Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Мирзо Улуғбек академик лицейи ахборот-ресурс марказида аждодларимиз ижодий фаолиятини акс эттирувчи кўргазма намойиш этилди.

— Буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди муносабати билан ўтказилган адабий-бадиий кеча ўқувчиларга манзур бўлди, — дейди академик лицей директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Сайёра Хўжаева. — Тадбирда таниқли адабиётшунос олимлар, маданият ходимлари ва «Баҳор» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари иштирок этди. Энг яхши ижодий ишлар аниқланиб, ғолиблари муносиб тақдирланди.

«Адабиёт ҳафталиги» якунига етган бўлса-да, ёшлар маънавиятини юксалтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар давом этади. Зеро, инсонни сохта туйғулардан, тубанлик ва иллатлардан фақат маънавият қутқариб қолади.

Хайриддин МУРОД,
"Ma'rifat" мухбири

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2011 йил 10 январда тасдиқланган «Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари, бошқа ташкилот ва идоралар тасарруфидаги умумий ўрта таълим муассасаларини 2011–2015 йилларда аттестациядан ўтказиш режаси»га асосан юртимиздаги умумий ўрта таълим мактаблари аттестациядан ўтказилмоқда. Мазкур режа ижроси ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш, жойлардаги аттестация комиссияларига зарур методик ёрдам кўрсатиш мақсадида Республика таълим маркази ҳузурида Таълим муассасаларини аттестация ва аккредитацияга тайёрлаш методик таъминоти бўлими ташкил этилди. Натижада 2011–2013 йилларда 6800 га яқин умумтаълим мактаблари аккредитацияланди. Яъни, бу уларнинг ўқувчиларга таълимга оид қонунчилик ҳужжатлари ва давлат дастурларига мос равишда, сифатли таълим-тарбия бераётгани, бугунги давр талабларига жавоб бера оладиган даражада педагогик салоҳиятга эга эканидан далолатдир.

АТТЕСТАЦИЯ ВА АККРЕДИТАЦИЯ

жараёнида таълим муассасалари фаолияти чуқур таҳлил этилмоқда

Маълумки, аттестациялаш таълим муассасаси фаолиятини баҳолашда давлат назоратининг асосий шакли ҳисобланиб, кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифати давлат таълим стандартлари ҳамда давлат талабларига қай даражада мувофиқлигини аниқлашдан иборат. Унда ўқув муассасасининг охирги уч йиллик фаолияти комплекс таҳлил этилиб, жараёнга ДТС асосида замонавий ўқитиш услублари ва ахборот технологияларининг жорий этилганлиги, ўқувчилар билими унга мувофиқлиги, дарслик ҳамда услубий қўлланмалар билан таъминланганлик даражаси, болаларни касб-ҳунарга йўналтириш ишлари сифати, педагог кадрлар салоҳияти, ўқув даргоҳлари моддий-техник салоҳиятини ривожлантириш бўйича давлат дастурининг бажарилиш ҳолати ва бошқа жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилади.

Жараённи амалдаги талабларга мувофиқ юқори савияда ва белгиланган муддатларда ўтказиш, таълим муассасаларининг ўқув-тарбия масалаларидаги салоҳияти холис баҳоланишини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази ва Давлат тест маркази мутахассислари ҳамкорлигида ҳудудий халқ таълими бошқармалари мутахассислари ва экспертлари учун таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитациялаш ишларини жадаллаштириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан республика ўқув-семинарлари, қатор вилоятларда кўчма ўқув-семинарлар ўтказилди, жойлардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий ёрдамлар берилди.

Ўқув муассасалари фаолияти 9 йўналишдаги кўрсаткичлар бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 21-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низом талабларига кўра баҳоланади.

Йўналишлар бўйича жами 1000 балл этиб белгиланган натижадан 700 ва ундан юқори балл тўплаган мактаблар «Аттестациядан ўтди» деб ҳисобланади. 550 дан 700 гача йиғилган баллар «Аттестациядан шартли ўтди» деб саналса (бир йилдан сўнг қайта аттестациядан ўтказилади), ундан паст натижа кўрсатган умумий ўрта таълим мактаби «Аттестациядан ўтмади» деб ҳисобланади. Аттестация жараёнида тушунмовчиликлар келиб чиқмаслиги, қолаверса, ўзи фаолият юритаётган мактаб қай даражада сифатли педагогик хизмат кўрсатаётганини билиш учун мактаб мутасаддилари фаолиятнинг таҳлилга тортиладиган жиҳатларидан хабардор бўлиши, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш мезонлари ва технологиялари бўйича йўриқномани синчиклаб ўрганиши, унда белгиланган талабларга жавоб беришга тайёр туриши лозим. Шу мақсадда мазкур меъёрий ҳужжатлар жойлардаги барча умумтаълим муассасаларига етказилди.

Давлат аккредитацияси — таълим муассасаси фаолиятининг ДТС мезон ва талабларига жавоб бериши давлат томонидан эътироф этилиб, унинг битирувчиларга тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисида ҳужжатларни бериш ҳуқуқига эга бўлишини англатади.

Тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётганига қарамай, таълим муассасаларининг аттестация натижалари жадвалларини тўлдиришда ҳанузгача камчиликларга йўл қўйилмоқда. Баъзи вилоятларда таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитациялашда юқори кўрсаткичларга эришган туманлар билан ўзаро ҳамкорлик ҳамда тажриба алмашиш йўлга қўйилмагани ҳам муассасаларнинг аккредитациядан ўтмай қолишига сабаб бўлаётир.

Мисол учун, назорат ишлари «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш мезон ва технологиялари бўйича Йўриқнома» асосида олинмаётгани ёки нотўғри киритилаётгани, охирги уч йиллик ўрнига бир йиллик маълумотлар киритилиши, ўрганиш кунига қадар ўтилган дарсларнинг нотўғри ҳисобланиши, жадваллар бошқа таълим муассасаларининг рақамлари билан тўлдирилаётгани (намунага берилган ҳужжатдан кўрсатма кўчирилиши), якуний натижа нохолис ҳисобланиши (педагог кадрлар салоҳияти белгиланган кўрсаткичдан паст бўлса-да, қўшиб ёзилиши), янги педагогик технологиялардан фойдаланиш даражаси тўлиқ баҳоланмаслиги, ўқув жиҳозларининг берилган талабга мос равишда киритилмаслиги каби камчиликлар кузатилган.

Аттестация таълим муассасаси фаолиятини баҳолашда давлат назоратининг асосий шакли ҳисобланиб, кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг ДТС ҳамда давлат талабларига мувофиқлигини аниқлайди.

Айтиш жоизки, ўтган йиллар мобайнида таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитациялаш ишларига совуққонлик билан ёндашгани учун бир қатор халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари мудирлари ҳамда таълим муассасалари раҳбарларига нисбатан қонунда белгиланган интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Юқоридаги каби ҳолатларнинг олдини олиш, таълим муассасалари аттестациясини сифатли ташкил этиш ва ўтказиш, ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш, йўл қўйилаётган камчиликларнинг сабабини аниқлаб, бартараф этиш юзасидан қатор вазифаларни тегишли тартибда, босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан махсус механизм ишлаб чиқилди:

— туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари аттестация комиссиялари қошидаги экспертлар гуруҳлари таркибининг ҳар бир аъзоси соҳани қай даражада пухта билиши, масъулиятни нечоғли чуқур ҳис қилиши, аттестация ҳужжатларини қанчалик тўғри ва сифатли расмийлаштириши нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш ҳамда уларнинг самарали фаолият кўрсатишини йўлга қўйиш;

— мактабларда экспертлар томонидан аттестация жараёнини сифатли ташкил этиш ва аттестация ҳужжатларини тўғри расмийлаштириш;

— аттестациядан ўтказилган таълим муассасалари ҳужжатларини дастлабки экспертизадан ўтказиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳузуридаги эксперт гуруҳлари фаолиятини йўлга қўйиш;

— Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳузурида ташкил этилган экспертлар гуруҳи томонидан дастлабки экспертизадан ўтказилган ҳужжатларни электрон почта орқали Республика таълим марказига тақдим этиш;

— республика таълим маркази томонидан тегишли хулоса берилгандан сўнг Давлат тест марказига юбориш.

Таълим муассасаларини аттестация ва аккредитациядан ўтказиш ишларининг шу вақтгача бўлган якунларини таҳлил этиш асосида ишлаб чиқилган бу механизм мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш, аттестация жараёнига пухта тайёргарлик кўриш орқали аттестация ҳужжатларидаги камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Тожиевой ВАКИЛОВ,
Халқ таълими вазирлиги бош назоратчиси

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

Tadbir doirasida o'tkazilgan ikki buyuk ijodkor asarlariga ishlangan rasmlar, miniatura asarlari tanlovi o'quvchilarning badiiy adabiyot va tasviriy san'atga bo'lgan qiziqishlarini yanada oshirdi.

Ma'rifat

2014-yil 15-fevral, № 14 (8663)

Yangiliklarda yurt nafasi

Наманган шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими қошида "Ширинтой" кўғирчоқ театр-студияси иш бошлади.

Янги театр-студияда ўндан ортиқ иш ўрни яратилгани, жумладан, Наманган миллий ҳунармандчилик ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини битирган беш нафар ёш ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминлангани эътиборга моликдир.

— Биз роль ижро этиш билан бирга, қаҳрамонлар сиймоси, яъни кўғирчоқларни ҳам ўз қўлимиз билан яратамиз, — дейди Дилмурод Эргашбоев. — Бу ерда нафақат меҳнат қилаётганимиз, балки мурғак қалбларнинг маънавий соғлом шаклланишига ҳисса қўшаётганимиздан беҳад мамнунмиз.

Эзгу мақсадлар билан иш бошлаган театр-студия жамоаси Соғлом бола йилида ўз мухлисларига ўзбек халқ эртаклари, ибратли ҳикоя ва ривоятлар асосида тайёрланган қатор спектакларни тақдим этишни режалаштирган.

* * *

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти кенгаши ташаббуси билан таълим муассасаларида "Биз — иллатларга қарши курашишга қодир ёшларимиз!" лойиҳаси доирасида турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Бағдод педагогика касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган шундай тадбирда иштирокчиларга "Беш тахдидга беш зарба" видеоролиги намойиш этилди.

— Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол, ўз мустақил фикри ва дунёқарашига эга, Ватан тақдирига ўзини дахлдор деб биладиган муносиб ворис бўлиб камолга етиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси ўринбосари Шерзоджон Полвонов. — Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ана шу юксак эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалдаги ифодаси бўлди. Албатта, элу юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшаш, унинг равнақи учун астойдил ҳаракат қилиш биз, ёшларнинг асосий вазифамиздир.

* * *

Жалақудуқ туманидаги маиший хизмат кўрсатиш коллежида туман ҳокимлиги, прокуратураси, ички ишлар бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Туманнинг қўшни давлат билан чегарадош энг чекка Бештол қишлоғида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 8 корхона, ташкилот ва фермер хўжаликлари 125 бўш иш ўрни билан иштирок этди.

— Ярмаркада тумандаги қурилишга ихтисослашган "Милано Бизнес Сервис" масъулияти чекланган жамиятига ишлаш учун йўлланма олдим, — дейди Ёрқишлоқ шаҳарчасида яшовчи фуқаро Турсунбой Пўлатов. — Президентимиз раҳнамолигида қишлоқларда барпо этилаётган замонавий уйжойлар қурилишига ҳисса қўшишимдан хурсандман.

* * *

Чуст туманида ташкил этилган янги корхонада йигирма нафардан зиёд хотин-қиз иш билан таъминланди.

Дилфуза Улуғбоева яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, Чуст туманининг Гулистон маҳалласида "Олмос Нисора Бону" хусусий корхонасини ташкил этди. Маҳалла ҳудудидаги фойдаланилмай турган бинони таъмирдан чиқариб, ишлаб чиқариш корхонаси учун зарур шароит яратди.

— "Агробанк"нинг туман филиалидан олинган икки юз миллион сўмга яқин имтиёзли кредит маблағи эвазига хориждан замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатдик, — дейди Д.Улуғбоева. — Аёллар ва болалар кийимлари, чойшаб каби ўн икки турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Синов жараёнининг ўзидаёқ ўттиз миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришдик. Бундай муваффақият бизни янги лойиҳалар устида изланишга ундамоқда.

Тадбиркор ишлаб чиқаришни кенгайтириш, касб-ҳунар коллежини битирган ёш ва замонавий фикрлайдиган мутахассисларни корхонага кўпроқ жалб этиш орқали маҳсулот сифатини, тури ва ҳажмини ошириб, экспортга йўналтиришни режалаштирмоқда.

ЎзА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

НАВОИЙХОНЛИК ВА БОБУРХОНЛИК

юртимиз таълим муассасаларида давом этмоқда

Бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида буюк шоирларимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишлаб ижодий учрашувлар, байрам кечалари ташкил этилмоқда.

Пойтахтимиздаги 110-мактабда ҳам ана шундай тадбир уюштирилди. Шоир ва ёзувчилар мумтоз адабиётимизнинг икки буюк намояндаси ҳаёти ва ижоди ҳақида ўқувчиларга сўзлаб берди.

Ўқувчилар томонидан тайёрланган деворий газета ва слайдларда улуғ сиймоларимизнинг асарлари мазмун-моҳияти ўз аксини топди.

Икки буюк ижодкорнинг ҳар бир сатрида акс этган инсонпарварлик тараннуми, тарбиявий фикрлар бугунги ёш авлод учун катта мактаб вазифасини ўтамоқда.

Феруза ХОЛМУРОДОВА

* * *

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги 1-академик лицейда Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишлаб тадбир ўтказилди.

Ёш авлодни ватанпарварлик ва аждодларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол шахс қилиб улғайтириш мақсадига қаратилган тадбирда ўқитувчи ва ўқувчилар, ота-оналар, маҳалла фаоллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар бобокалонларимизнинг бой адабий ва илмий мероси, уларнинг бугунги авлод тарбиясида тутган ўрни, асрлар ўтса-да, китобхонлар қўлидан тушмай келаётгани, асарларда комил инсон сиймоси акс эттирилгани, умуминсоний ғоялар билан суғорилганини алоҳида таъкидлашди.

Тадбир сўнгида ўқувчилар томонидан Навоий ва Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақидаги саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Нилуфар АҲМЕДОВА

* * *

Пойтахтимиздаги Олмазор тиббиёт коллежида буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 531 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда мутафаккир шоирнинг халқимиз бой маънавий мероси ва дунё тамаддунига қўшган ҳиссаси, рубоий ва ғазалларидаги теран маънолар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Бундай тадбирлар ўқувчиларимизнинг аждодларимиз ҳаёти ва ижоди, юксак инсоний фазилатлари ҳақида маълумотга эга бўлишида муҳим аҳамият касб этади, — дейди коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Исомиддин Баҳромов. — Бугунги тадбирда ёшлар адабиётшунос олимларнинг мутафаккир боболаримиз ҳақидаги мазмунли фикрларини эшитиб, маънавий озуқа олишди.

Хайриддин МУРОД

* * *

Яккасарой туманидаги 118-мактабда «Икки буюк сиймо — мурғак қалбларда» мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбир аввалида ўқувчилар Навоий ва Бобур ғазалларидан намуналар айтишди. Икки буюк аждодимиз ҳаёти акс этган саҳна кўринишлари намойиш этилиб, йиғилганларга кўтаринки кайфият улашилди.

— Ўқувчиларимизни Навоий ва Бобурга муносиб ворис қилиб тарбиялаяпмиз, — дейди мактаб директори Бибисора Ҳасанова. — Ёшлар буюк аждодларимиз маънавий меросини ўрганиш баробарида ибрат олади, ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари кенгаяди.

Тадбир сўнгида фаол қатнашган ўқувчиларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалар тақдим этилди.

Фурқат АЛИМАРДОНОВ

* * *

Сергели туманидаги 104-умумий ўрта таълим мактабида ҳам Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди муносабати билан ўтказилган навоийхонлик ва бобурхонлик кечаси ўқувчи-ёшлар қалбида бу улуғ шахслар ижодига бўлган қизиқишнинг янада ортишига ҳисса қўшгани шубҳасиз. Шуни айтиш лозимки, мактаб туманда она тили ва адабиёт фанлари бўйича таянч мактаб ҳисобланади. Таълим муассасаси «Маҳорат мактаби» этиб танланган бўлиб, семинар ва маҳорат дарслари, турли адабий ва бадиий кечалар, тилшунос ва адабиётшунос олимлар билан учрашувлар кўплаб ўтказилади.

«Миллатнинг буюкларини ёд этиб...» деб номланган адабий-бадиий кечада ҳам Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг адабиётшунос ва тилшунос олимлари иштирок этишди.

Арофат МЎЙДИНОВА,
ўқитувчи

* * *

Юнусобод туманидаги 260-умумтаълим мактабида 4-синф ўқувчилари иштирокида ғазалхонлик дарси бўлиб ўтди.

Ўқувчилар саҳнада гавдалантирган ёш Алишер ва Бобур сиймолари дарснинг файзига файз қўшди. Шеърхонлик баҳсида Қуран Амалян синфдошларидан кўпроқ ғазал билишини исботлади.

— Шунга амин бўлдимки, — дейди мактаб директори Галина Ким, — бундай дарсларни барча синфларда тез-тез ўтказиб туришимиз керак. Чунки фарзандларимизга аждодлар меросини ўргатмасдан орзумиздаги баркамол авлодни тарбиялаб бўлмайди.

Ўқитувчи Муҳайё Саидова ташкил этган ноанъанавий дарс сўнгида Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида ҳужжатли фильм намойиш қилинди.

Жўрабек ЖАНГИРОВ

* * *

Учтепа туманидаги 75-умумтаълим мактабида «Бадиий адабиёт ва тасвирий санъат уйғунлиги» мавзусида кеча ташкил этилди.

Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари асосидаги саҳна кўринишлар, мусиқий лавҳалар барчага манзур бўлди.

— Тадбир доирасида ўтказилган икки буюк ижодкор асарларига ишланган расмлар, миниатюра асарлари танлови ўқувчиларнинг бадиий адабиёт ва тасвирий санъатга бўлган қизиқишларини янада оширди, — дейди Учтепа туман ХТМФМТТЭ бўлими методисти Нилуфар Йўлдошева. — Ноанъанавий очиқ дарслар ҳам юқори савияда ташкил этилди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ

* * *

— Буюк аждодларимиз ёққан илму фан, шеърият чироғи маънавий оламимизни ёритиб туради, — дейди Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишлаб Тошкент радиотехника касб-ҳунар коллежида ташкил этилган тадбирда ушбу муассаса директори Абдуваққос Назаров.

Кечада коллеж ўқувчилари икки аллома хазинасидан терган дуру жавоҳирлар — ғазаллар, рубоий ва туюқларни маҳорат билан ёддан айтиб беришди. Эътиборлиси, кечада икки буюк шоир шеърлари инглиз тилида ҳам янгради.

Улуғ аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятига бағишланган тадбир якунида фаол ўқувчилар бир қатор номинациялар бўйича тақдирланди.

Зоҳиджон ХОЛОВ

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Jarayon

Зангиота туманидаги 56-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Дилноза Холдорова ёш мутахассис бўлгани боис иш жараёнида бироз қийинчиликка учрар эди. Айниқса, эндигина мактабга чиққан болаларни машғулотларга қизиқтириш бир машаққат бўлса, дарснинг қайси қисмида қандай педтехнологиядан фойдаланишга ҳам иккиланар эди. Ҳатто АКТ воситалари билан бемалол ишлай олса-да, ҳали ўрганиши лозим жиҳатлар кўплигини ҳис этарди. Изланувчан, тиришқоқ педагог бу камчиликларни бартараф этиш йўлини қидираётганда мактабда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети билан тузилган ҳамкорлик шартномасига кўра «Маҳорат мактаби» ташкил этилди. Ҳамкасблари билан илк машғулотга киргандаёқ кўнгли таскин топди. Иш фаолиятида дуч келаётган муаммоларни бартараф этиб, билимидаги бўшлиқларни аста-секин тўлдириб борди. Бир йил давомидаги сабоқлар ўз самарасини берди. Бугун ёш муаллима дарсида АКТ воситаларидан фойдаланиш, илғор педтехнологияларни қўллаш, ўқувчилар қалбига йўл топишга қийналмаяпти. Тумандаги 1-умумтаълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси Дилором Алиқулова ҳам лаборатория машғулотларига ноанъанавий педтехнологияларни татбиқ этишда қийинчиликка учрар эди. Бугун 8-синфларда «Тузлар гидролизи», «Галогенлар», 9-синфларда «Металлар», «Тўйинмаган углеводородлар» сингари мавзуларни лаборатория иши орқали тўлиқ очиб бера олаяпти.

«МАҲОРАТ МАКТАБЛАРИ»

унда ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатилмоқда

Ўтган ўқув йилининг март ойидан бошлаб Тошкент вилоятидаги таянч таълим муассасалари негизида 19та фан бўйича ташкил этилган «Маҳорат мактаблари»да ўқитувчиларга шу тарзда методик ёрдам кўрсатилмоқда.

Доимий фаолият юритаётган ўқув-семинарлар орқали вилоятдаги барча таълим муассасаларига фанлар бўйича илғор педагогик технологиялар ва электрон ресурслар, мультимедиа воситаларидан фойдаланиш борасида кўмаклашилмоқда. Ҳамкорликда методик дарс ишланмаси ва тавсиялар тайёрланаяпти. Шу орқали умумий ўрта ва олий таълим муассасалари фаолиятининг амалий ҳамкорлиги таъминланаётир. Эришилган натижаларни таҳлил қилиш, оммалаштириш ва тарғиб қилишга эришилмоқда.

Тошкент вилояти ПКҚТМОИ проректори Нилуфар Йўлдошеванинг таъкидлашича, вилоятдаги 237та таянч мактабда 19та фан бўйича сезиларли натижага эришилган. Қибрай туманидаги таянч мактабларда мусиқа маданияти фанидан, Бекобод шаҳрида кимё фанидан, Паркент туманида географиядан, Чирчиқ шаҳрида чет тили, адабиёт ва ботаника фанларидан семинарлар ўтказилиб, ўқитувчилар илғор педтехнология, АКТдан фойдаланиш бўйича зарурий билим, кўникма, малакаларга эга бўлишди. Электрон дарс ишланмалари яратилиб, вилоят таълим муассасаларида оммалаштирилди. Янгийўл тумани умумтаълим мактабларидаги ўқувлар ҳам бошланғич синфлардаги математика, меҳнат, рус ва инглиз тили фанлари бўйича намунали тарзда ташкил этилди. Ўтган даврдаги фаолиятни таҳлил қилсак, қуйидаги натижаларга эришилгани равшан бўлади:

— таълим муассасаларининг малакали кадрларга эҳтиёжи қондирилмоқда;

— доимий ҳаракатдаги ўқув машғулотларини ташкил этиш орқали педагогларнинг малакаси ва касбий маҳорати оширилмоқда. Ҳар бир таълим муассасасида «Маҳорат мактаби» хоналари ташкил этилаяпти;

— зарур методик йўриқнома, тавсия, видеодарс ишланмаларини яратиш йўлга қўйилди;

— узлуксиз методик хизмат кўрсатиш ва ўқитувчиларнинг малакасини ошириш самарадорлигига эришишда таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлик фаолияти уйғунлаштирилди;

— ўқитувчиларда ўқувчиларнинг ДТС талаблари асосида ўзлаштириш даражасини аниқлаш, фаолиятини таҳлил қилиш ва ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни аниқлаб, бартараф этиш учун ўз устида мунтазам ишлаш кўникмаси шакланмоқда;

— барча педагогларга инновацион технологияларнинг мазмун-моҳияти, уларни қўллаш йўллари ва аҳамияти тизимли равишда тарғиб этилиб, амалиётга жорий этиш бўйича етарли тажриба базаси яратилмоқда;

— тажрибали профессор-ўқитувчилар ҳамда методистлар ҳамкорлигида таълим мазмунини ривожлантиришга, уни янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган ўқув-методик комплекслар яратилмоқда. Ушбу жараёнга ўқувчилари "Билимлар беллашуви"нинг республика, вилоят, шаҳар, туман босқичларида яхши натижага эришган тажрибали устозларни, "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси", "Йилнинг энг яхши методисти", "Йилнинг энг яхши психологи" кўрик-танловлари ғолибларини жалб этиш йўлга қўйилмоқда;

— каскад усулида ўқув машғулотлари ташкил этиш орқали вилоятдаги барча педагоглар қамраб олинмоқда;

— университетнинг профессор-ўқитувчилари ва мактаб ўқитувчиларининг бўлажак педагогларни тайёрлашда ўзаро тажриба алмашиш имконияти йўлга қўйилди.

Ўқув-семинарлар жараёнида вилоят халқ таълими бошқармаси ва Тошкент вилоят ПКҚТМОИ томонидан ҳудудлар кесимида ўзига хос мониторинг ҳам олиб борилаяпти. Ойлик натижалар қиёсий таҳлил қилинмоқда. Шу асосда «Маҳорат мактаблари»нинг фаолиятини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди. Жумладан, ҳозирги кунда вилоят мактабларининг 72 фоизи кимё, 78 фоизи биология, 76 фоизи физика фанидан ўқув-лаборатория жиҳозлари, 78 фоизи компьютер техникалари билан таъминланган бўлса-да, улардан ўқув жараёнида етарлича фойдаланилмаётгани аниқланди. Бу эса, ўз навбатида, таълим сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун ҳамкорликда олиб борилаётган машғулотларда кўпроқ ўқув-лаборатория ва компьютер жиҳозларидан фойдаланишга эътибор қаратилаётир. Яратилаётган барча электрон дарс ишланмаларини Республика таълим маркази, Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий-методик кенгашларда кўриб чиқиб, умумдан бириктирилган ҳар бир ўқитувчининг иштироки мунтазам таҳлил қилинади, ўқувлардан кейинги таълим самарадорлиги кузатилиб, назорат қилиб борилади. Ўқитувчилар «Мен бугун «Маҳорат мактаби» машғулотларида нимани ўрганаман?» деган аниқ мақсад билан келиб, ўрганганларини мактабида дарс жараёнида изчил, босқичма-босқич татбиқ этса, ўйлаймизки, кутилган самара ва натижаларни кўрсатади.

Айни кунда давом этаётган ўқув-семинарларда ўқитувчиларнинг касбий лаёқатлилигини ошириш, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланишга ўргатиш, дунёқарашини кенгайтириш вазифалари белгиланган. Ўқитувчиларнинг малакаси ва касбий маҳоратини оширишга йўналтирилган маҳорат машғулотлари ва уларнинг фаолиятига оид тақдимотлар ўтказилмоқда. Касбий маҳоратининг ўсиш динамикасини кузатиш ва таҳлил қилиш бўйича методик кўрсатмалар ва амалий таклифлар берилаяпти.

Семинар-тренингларда қуйидаги масалаларга алоҳида аҳамият бериш талаб этилади:

- таълим сифатини оширишга оид таклифларни жамлаш, хулоса тайёрлаш ва энг аҳамиятли натижаларни оммалаштириб бориш;
- машғулотлар бўйича натижалар ва ҳисоботларни мунтазам кузатиш;
- "Маҳорат мактаби"нинг ўқувчилар ўзлаштиришига таъсирини ўрганиш, таҳлил қилиш;
- таълим сифатини оширишга оид хулоса ва таклифларни ўрганиб чиқиш, илмий-методик таҳлил қилиш ва асосланган амалий таклифлар киритиш.

Мухтасар қилиб айтганда, «Маҳорат мактаблари» педагог ходимларнинг касбий маҳоратини ошириш, билим, малака ва кўникмасини ривожлантириш борасида муҳим омил бўлмоқда.

Раъно МИРСАМИҚОВА,
Низомий номидаги ТДПУ ўқитувчиси

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

САҲНАДА МАТЕМАТИКА

Ўқувчиларнинг аниқ фанларга қизиқишини оширишда фан ойликлари доирасида ўтказилаётган тадбирларнинг аҳамияти катта. Сергели туманидаги 6-ИДУМда февраль — математика ва информатика фанлари ойлиги уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Ойлик давомида очиқ дарс ва давра суҳбатлари, математик олимлар билан учрашувлар ташкил этиш режалаштирилган. Куни кеча бу ерда математика ва геометрия фани дарсликлари муаллифлари Б.Ҳайдаров ва О.Қўчқоров билан учрашув бўлиб ўтди. Мутахассислар мактаб ўқувчи ва ўқитувчиларининг саволларига жавоб беришди. Ўз навбатида, дарслик муаллифлари аниқ фанларнинг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида гапиришди. Шунингдек, фан ўқитувчилари ўқитишнинг илғор замонавий усуллари ҳақида ҳам зарур маълумотларга эга бўлишди.

— Ўқувчиларни аниқ фанларга қизиқтиришда мана шундай тадбирларнинг фойдаси катта, — дейди туман ХТМФМТТЭ бўлими методисти Б.Маҳмудова. — Бугунги учрашув нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчилар учун ҳам фойдали бўлди. Улар дарслик муаллифлари билан фанни ўқитишнинг замонавий усуллари юзасидан фикр алмашишди.

Тадбирнинг бадиий қисмида намойиш этилган «Саҳнада математика» номли театрлаштирилган томоша барчага манзур бўлди.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

2014-yil 15-fevral, № 14 (8663)

МУСТАҚИЛ ФИКРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

физика дарслари самарадорлигини оширади

Замонавий дарс ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти фаол ва режали бўлишини таъминловчи ташкилий жараёндир. Дарснинг сифатли, мақсадли, мазмунли ўтиши ўқитувчи ва ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига боғлиқ. Мисол учун, физика дарси самарадорлиги шаклига кўра турлича, моҳиятан эса дарс мазмуни тўлиқ ўзлаштирилишида намоён бўлади.

Илғор педагогик технологияларга асосланган физика дарсларига хос умумий жиҳат ўқитувчининг ижодий ёндашувидир. Бундай дарслар болаларда ўқиш, билим олишга қизиқишни уйғотади, мустақил ижодий изланиш, фикрлаш қобилиятини кучайтиради. Машғулотларда барча ўқувчилар фаол қатнашади. Дарсни уларнинг ўзи олиб боради, ўрганади. Педагог эса жараённи бошқаради, мақсадга йўналтиради. Ҳатто дарс натижасини ҳам ўқувчиларнинг ўзлари баҳолайди. Уларнинг мустақил билим олишини йўлга қўйиш, ижодий қобилиятини ривожлантириш, эркин фикрлаш, ўзаро мулоқотларда фаол иштирок этишга ўргатиш, ўқишга қизиқишини ошириш каби вазифалар илғор педагогик технология асосини ташкил этади.

Фикримча, замонавий педагогикада машғулот учун ажратилган вақтнинг 70 фоизини ўқувчилар, 30 фоизини ўқитувчи эгаллаши керак. Шунга асосланиб дарсда қайси элементлар ўқитувчи, қай бири ўқувчилар томонидан мустақил бажарилиши кўрсатилади. Мақсад аниқ қўйилса, ўқувчи уни бажаришга интилади. Ўғил-қизлар қобилиятини ҳисобга олиб ижодий ташкил этилган дарслар ўқувчининг мантиқий ва интуитив (ички ҳис билан сезиб) фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.

Sinab ko'ring

Физика таълимида инновацион-педагогик технологиялардан фойдаланиш борасида 6-синф учун **«Товуш манбалари ва уни қабул қилгичлар»** мавзусига оид бир неча мисолларни келтириш мумкин.

Дарснинг технологик харитаси

Мавзу:	**Товуш манбалари ва уни қабул қилгичлар**	
Мақсад ва вазифалар	Товуш ҳақидаги тушунчалар, унинг манбалари ва қабул қилгичлар ҳақидаги маълумотларни ўқувчиларга муаммоли вазиятлар орқали ўргатиб, назарий билим ва амалий кўникма ҳосил қилиш.	
Ўқув жараёнининг мазмуни	Товуш, ультратовуш, инфратовуш, тебранма ҳаракат, камертон ҳақида маълумотлар бериш ва улардан амалиётда фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилиш. Ўқувчиларнинг мустақил билим олиш кўникмаларини ривожлантириш, нутқ ва мулоқот маданиятини ошириш. Мавзуни ўзлаштиришини назорат қилиш, билимини баҳолаш.	
Амалга ошириш технологияси	**Метод:** «Бумеранг» технологияси. **Шакл:** аралаш, кичик гуруҳларда ва жамоа бўлиб ишлаш. **Восита:** компьютер, тарқатма материаллар (матнлар, хабарнома бланкалари, камертон, микрофон, мусиқа асбоблари, металл чизғич). **Усул:** интерфаол, тайёр ёзма материаллар ва чизмалар асосида. **Назорат:** оғзаки назорат, ёзма, ўз-ўзини назорат қилиш. **Баҳолаш:** рағбатлантириш, 5 балли тизим асосида баҳолаш.	
Кутиладиган натижалар	**Ўқитувчи:** Ўқувчиларнинг фанга қизиқишини, фаоллигини оширади, синфда, жамоада дўстона муҳитни шакллантиради. Паст ўзлаштирувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ўстиради. Ўқувчиларни ёзма ахборотни мустақил ўрганиш, хотирада сақлаш, бошқаларга етказиш, савол бериш ва жавоб қайтаришга ўргатади. Бир соатда барча ўқувчиларни баҳолайди.	**Ўқувчи:** Янги билимларни эгаллайди. Якка ҳолда ва гуруҳ бўлиб ишлашни, мустақил ва эркин фикрлашни, ўз-ўзини назорат қилишни ўрганади. Ўз устида ишлайди, нутқи ривожланади. Матнлар билан ишлаб, қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлади.
Келгуси режалар	**Ўқитувчи:** Янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарсга татбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш. Мавзуни ҳаётий воқеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратини ошириш.	**Ўқувчи:** Шу мавзу асосида қўшимча материаллар топиб, матн билан мустақил ишлашни ўрганиш. Эслаш қобилиятини ишга солиш, кейинги дарслар мавзусига фикрлар бериш.

«Ақлий ҳужум». Бевосита жамоа бўлиб «фикрлар ҳужуми»ни олиб бориш. Бу усулдан мақсад мумкин қадар катта миқдордаги ғояларни йиғиш, ўқувчиларни айни бир хил фикрлашдан сақлаш, ижодий вазифаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган юзаки фикрларни енгишдир.

Дарсни бошлашдан олдин кириш суҳбати ўрнида ўқувчилар билан «Фараз қилайлик, бир кун Ер юзида мутлақо товуш йўқ бўлиб қолсин, бу қандай оқибатларга олиб келади?» сингари муаммоли савол юзасидан ақлий ҳужум ўтказиш мумкин. Ўқувчилар фикри умумлаштирилганда бу катта фалокатларга олиб келиши мумкинлиги ойдинлашади.

«Бумеранг» технологияси ўқув жараёнида тарқатилган материалларнинг ўқувчилар томонидан якка ва гуруҳ ҳолатида ўзлаштирилиши ҳамда суҳбат-мунозара ва турли саволлар орқали қай даражада ўзлаштирилганини назорат қилиш ва баҳолашга қаратилади.

Ушбу технологиянинг «Товуш манбалари ва уни қабул қилгичлар» мавзусида қўлланилиши:

Тарқатма материаллар:

1-гуруҳга: Товуш манбалари.

Товуш товуш манбалари(товуш пайчалари, мусиқа асбоблари, радиокарнай ва бошқалар)да пайдо бўлади. Товуш қандай ҳосил бўлишини ўрганиш учун металл чизғич олиб, парта четига учини узун қилиб чиқарган ҳолда қўямиз. Қолган қисмини қўл билан босиб ушлаймиз. Узун учидан босиб, қўйиб юборсак, чизғич учи тебрана бошлайди. Бунда товуш чиқадими? Йўқ. Чизғич учини парта устига суриб тажрибани такрорлаймиз. Ана ўшанда товуш эшитилади. Чизғичнинг тебранувчи қисмини камайтириб борсак, товуш аниқроқ эшитила бошлайди. Бу чизғич секундига камида 16 марта тебранганда юз беради. Бинобарин, секундига 16 мартадан ортиқ тебрана оладиган жисмлар товуш манбалари бўла олади.

2-гуруҳга: Тебранишни характерлайдиган тушунча ва катталиклар.

1. Ҳар қандай такрорланувчи ҳаракатга тебранма ҳаракат дейилади.

2. Бир секунддаги тебранишлар сони тебранишлар частотаси деб аталади.

Частота **Н** (Ню) ҳарфи билан белгиланади. Агар жисм 1 секундда 1 марта тебранса, унинг частотаси 1 Герц (Гц) деб қабул қилинган. $1Гц = \frac{1}{c}$.

Инсон қулоғи 16 Гц.дан 20 000 Гц. гача бўлган товушларни сеза олади.

16 Гц.дан кичик товушлар инфратовуш ва 20 000 Гц.дан катта товуш ультратовуш дейилади. Ультратовушларни итлар, отлар ва бошқа баъзи жониворлар эшитади.

3-гуруҳга: Камертон.

Аниқ бир частотали товуш чиқарадиган асбобга «камертон» дейилади. Камертонни 1711 йили инглиз мусиқачиси Ж.Шором ихтиро қилган бўлиб, мусиқа асбобларини созлашда фойдаланган. Мазкур мослама ўртасида тутқичи бор икки шохли металл стержендан иборат. Резина таёқча билан камертоннинг бир шохчасига урилса, товуш эшитилади. Унинг тебранишига ишонч ҳосил қилиш учун ипга енгил шар осиб, камертоннинг иккинчи шохчасига теккизиб кўямиз. Камертондан овоз чиққанда шарча ҳам тебранади.

Асбобдан чиқадиган овозни кучайтириш учун ёғочдан ясалган қутига ўрнатилади. Бу қути резонатор деб аталади.

Оғзимиз ҳам камертонга ўхшайди. Тил тебранувчи жисм бўлса, оғиз бўшлиғи ва томоқ резонатор вазифасини бажаради.

4-гуруҳга: Товуш қабул қилгичлар.

Товушни табиий қабул қилгичларга одам ва ҳайвонларнинг эшитиш аъзолари мисол бўла олади. Кулоқ ичида махсус парда бўлиб, унга товуш тушганда тебранади ва сигналлар миянга узатилади. Одамлар қулоғининг сезгирлиги турлича бўлади. Шунинг учун ёшлар билан қарияларнинг эшитиш даражаси бир-биридан фарқланади. Худди шундай ҳайвонларнинг ҳам товушни эшитиш частота диапазони турлича. Дельфин 200 000 Гц.гача бўлган ультратовушларни қабул қила олади.

Товушни қабул қилувчи сунъий асбоб микрофондир. «Микрофон» сўзи юнонча «mikros» – «кичик» ва «phone» – «товуш» сўзларидан олинган. Микрофонда товуш тебранишлари электр тебранишларига айлантирилади, сўнгра махсус қурилмалар ёрдамида кучайтирилади.

Ўқувчиларни баҳолашда ҳам **«Чархпалак»** технологиясидан фойдаланиш мумкин. Масалан, берилган мавзуга мос тушунчаларни аниқланг:

№	Мавзулар / Тушунчалар	Товуш манбалари	Тебранишни характерлайдиган тушунча ва катталиклар	Камертон	Товуш қабул қилгичлар
1	Мусиқа асбоблари				
2	Ҳаво тебранишлари				
3	200 000 Гц				
4	Тебранишлар частотаси				
5	Герц				
6	Эшитиш аъзоси				
7	Тебранма ҳаракат				
8	Резонатор				
9	Микрофон				
10	Инфратовуш				
11	Ж.Шором				
12	Сунъий асбоб				

Тўғри жавоблар сонига кўра:

- 5–7 та тўғри жавоб — «3» балл;
- 8–10 та тўғри жавоб — «4» балл;
- 11–12 та тўғри жавоб — «5» балл.

«Идрок харитаси» фикрларни тақдим қилиш ва боғлаш усули бўлиб, ўқувчиларда тасаввур қилиш ва фикрларни тизимлаштириш, ғоялар ёки тушунчаларни ажратиш, кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган. Бу метод янги билим ва ахборотларни конспектлаштиришнинг стандарт чизмасини ишлашга хизмат қилади ва узундан-узоқ конспект ёзиш юкидан халос этади.



Хуллас, инновацион-педагогик технологиялар физика таълимининг илмийлигини оширади. Бу дарс самарадорлиги юқори бўлишини, болаларда мавзу юзасидан кенг тушунча ва муайян ҳаётий кўникмалар шаклланишини таъминлайди.

Феруза ТЕМИШОВА,
Бўстонлиқ туманидаги 1-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

2014-yil 15-fevral, № 14 (8663)

Qurultoy

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя устувор бўлган бозор муносабатларининг таркиб топиши касаба уюшмалари фаолиятини ҳам янги босқичга кўтариш вазифасини кун тартибига қўймоқда. Бу эса ижтимоий меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг ўзига хос бир мезонга айланган ижтимоий шериклик тамойилига асосланиш заруриятини тақозо этмоқда. Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши ўз фаолияти йўналишидаги вазифаларни амалга оширишда ана шу мезонга амал қилади.

«Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг 2013 йил давридаги фаолияти якунлари ва келгусидаги вазифалар тўғрисида», «Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси раҳбар органини «республика кенгаши» деб номлаш тўғрисида», «Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» сингари долзарб вазифалар кун тартибидан ўрин олган III қурултойда жам бўлган делегатлар, турли ташкилотлар вакиллари юқорида тилга олинганидек давр талаби, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси фаолиятининг 2014 йилдаги устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар муҳим ўрин тутишини қайд этишди:

УЮШМА ҲАРАКАТИНИНГ АСОСИ

— республика давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини, халқаро ташкилотлар, хорижий касаба уюшмалари марказлари билан икки томонлама ҳамкорлик кўламини кенгайтириш;

— меҳнат муносабатлари ва меҳнат муҳофазасига оид қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлашга кўмаклашиш, бу борада амалдаги қонунчилик ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, янгиларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш;

— меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликнинг шакл ва услубларини янада ривожлантириш, жамоа шартномалари ва келишувлари мазмун-моҳиятини бугунги кун талаблари асосида такомиллаштириш, бунда жамоа шартномаларига ходимлар учун қулай меҳнат шароитларини яратиш, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциялари талаблари киритилишига эришиш;

— аҳолининг, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг самарали бандлигини таъминлашга, янги иш ўринларини яратишга кўмаклашиш, яратилган янги иш ўринларининг ҳаққонийлигини ўрганиш, иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлганларни расмий секторга ўтказишга кўмаклашиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касб касалликларининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларнинг бажарилиши бўйича жамоатчилик назоратини олиб бориш;

— нодавлат сектори корхона ва ташкилотлари, жумладан, кичик бизнес субъектлари, оилавий тадбиркорлар, трансмиллий компаниялар, хорижий инвестиция асосида ташкил қилинган қўшма корхоналар ходимларини касаба уюшмаларига жалб этиш тизимини ривожлантириш;

— «Бошланғич ташкилот — касаба уюшмасининг асоси» лойиҳаси доирасида бошланғич ташкилотларнинг ўқув-услубий таъминотини кучайтириш, улардаги касаба уюшмалари фаолларининг билим даражасини юксалтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

Тадбир сўнгида, шунингдек, тармоқ принципи бўйича ишлар янада кучайтирилишини инобатга олган ҳолда касаба уюшмасининг сайлаб қўйиладиган раҳбар органини "республика кенгаши" деб номлаш, Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси низомини киритилган ўзгартириш ва таклифларни инобатга олган ҳолда тасдиқлаш ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг навбатдан ташқари VI қурултойига делегатлар сайлаш ҳақидаги қарорлар делегатлар томонидан маъқулланди.

МЕҲНАТ ҚАДРИ ҚОНУН БИЛАН ҲИМОЯЛАНАДИ

Savol bering, javob beramiz



Газетхонларимиз йўллаган саволларга Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бош юрисконсульти Дилбар Муҳамедалиева жавоб беради.

САВОЛ: Уч ёшга тўлмаган фарзанди билан таътилда бўлган ходимнинг ўрнига олинган ходим ҳам бола парваришлаш таътилига чиқди. Унинг вазифасига учинчи ходим ишга қабул қилинди. Дейлик, биринчи ходим белгиланган муддат тугагач, фаолиятини давом эттирди ва бир ойдан сўнг бошқа жойга ишга ўтиб кетди. Унинг лавозими бўшади. Шундай вазиятда муддатли меҳнат шартномаси бўйича ишга қабул қилинган ходимни иш берувчи автоматик тарзда шу лавозимга қабул қиладими?

С.ФАЙЗИЕВА,
Навбаҳор туманидаги 33-мактаб директори

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 237-моддасига мувофиқ ҳомиладор аёллар ва уч ёшгача боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйилмайди. Таътилдан қайтаётган ходимнинг боласи уч ёшга тўлгач, иш жойи (лавозими)нинг сақланиши ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Ўз навбатида, иш берувчи малакаси юқорироқ ходимни танлаш ҳуқуқига эга. Шу асосда ушбу ходим билан меҳнат шартномаси унинг боласи уч ёшга тўлгани муносабати билан бекор қилиниши, унинг ўрнига қабул қилинган ходим розилиги билан меҳнат муносабатлари давом эттирилиши мумкин.

САВОЛ: Педагог ходимлар билан муддатли меҳнат шартномаси тузиш мумкинми? Мазкур ҳужжат қандай тузилади?

Г.БОЙМУРОДОВА,
Чироқчи қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

Жавоб: Шартнома бўйича ишни якунлаш пайти шартлашилган меҳнат шартномаси муддатли меҳнат шартномасидир. Муддатли меҳнат шартномаси беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга ҳамда муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб ва фақат ЎзР МКнинг 76-моддасида назарда тутилган ҳолларда, яъни муддатли меҳнат шартномаси бажарилажак ишнинг хусусияти, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда тузилиши мумкин.

Ходим қабул қилинаётган иш доимий хусусиятга эга бўлиши мумкин, бироқ уни бажариш шартлари ходимни номуайян ишга қабул қилиш имконини бермайди, балки у билан айни муддатли меҳнат шартномаси заруриятини шарт қилиб қўяди. Масалан, бола туғиш ва уни тарбиялаш муносабати билан таътилда бўлган аёлнинг ишга чиқиш вақтигача ходим касал бўлган, таътилда, малака оширишда бўлган сингари унинг иш жойи сақланган бошқа ҳамма ҳолатларда ишга қабул қилиш пайтида муддатли меҳнат шартномаси тузилади. Бундай ҳолатларда иш берувчи, масалан, «Физика ўқитувчиси Лола Обидова 2011 йил 7 июндан болани парваришлаш таътилида бўлган Нодира Қодированинг ишга чиқиш пайтигача физика ўқитувчиси лавозимига ишга қабул қилинди» дея буйруқни расмийлаштириб қўйишга эътибор қаратиши лозим.

САВОЛ: Ишга қабул қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг чиқарилишига ходим томонидан берилган ариза асос бўла оладими?

О.ТЎЙЧИБОЕВА,
Чортоқ туманидаги 48-мактаб ўқитувчиси

Жавоб: Меҳнат кодексининг 82-моддасига кўра, ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномаси асос бўлади. Ходимни буйруқ билан таништириб, имзо чектириш иш берувчининг мажбурияти ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартидаги 133-сонли қарори 2-иловасида меҳнат шартномасининг намунавий шакли берилган бўлишига қарамай, баъзан буйруқларга асос қилиб меҳнат шартномаси эмас, балки ходимнинг аризаси олинганлиги ва ходим чиқарилган буйруқ билан таништирилмаётганлиги сингари ҳолатлар учраб турибди.

САВОЛ: Меҳнат дафтарчалари учун ходимдан пул олинадими?

Г.ОЧИЛОВА,
Пахтачи туманидаги 6-мактаб ўқитувчиси

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 11 майдаги 117/1-сонли буйруғининг 5.1-бандига асосан, янги меҳнат дафтарчалари(дубликат)ни беришда иш берувчи ходимдан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг 10 фоизигача миқдорида ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

Меҳнат дафтарчалари нотўғри тўлдирилган(расмийлаштирилган)да ёки уларни сақлашда эҳтиётсизлик туфайли яроқсиз ҳолатга тушиб қолганда меҳнат дафтарчаларининг нархини иш берувчи қоплайди. Табиий офатлар ёки бошқа сабабларга кўра ходимнинг меҳнат дафтарчаси йўқотилган тақдирда, ходимга меҳнат дафтарчасининг дубликати бепул берилади.

САВОЛ: Ишдан бўшаган ходим ўз меҳнат дафтарчасини вақтида олмаса, унинг сақланиши қандай кечади?

С.АБДУЛЛАЕВА,
Бектемир туманидаги 290-мактаб ўқитувчиси

Жавоб: Бундай ҳолатларда ишдан бўшаган ходимнинг меҳнат дафтарчаси ишлаётган ходимларникидан алоҳида тарзда, корхона(ташкилот)нинг кадрлар бўлимида 2 йилгача сақланади. Ушбу муддат давомида ҳам йўқлаб келинмаган ва олинмаган меҳнат дафтарчалари иш берувчи архивида 50 йил сақланади ва ушбу муддатдан сўнг белгиланган тартибда йўқотилиб юборилиши мумкин.

САВОЛ: Ўрта махсус маълумотли тарбиячига биринчи ёки олий тоифа бериш мумкинми? Ўрта махсус маълумотли тарбиячи ва ўқитувчиларга малака тоифаси бериш қандай тартибда амалга оширилади?

Н.АБДУҒАФУРОВА
Шайхонтоҳур тумани

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 18 январда 1540-рақам билан рўйхатдан ўтказилган **"Раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисида"ги низом**га мувофиқ, иккинчи, биринчи ва олий малака тоифасига даъвогарлик қилган педагог кадрлар аттестациядан муваффақиятли ўтса, маълум тоифага эга бўлиши мумкин.

Педагог кадр малака тоифасини оширишнинг мажбурий шарти педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти(маркази)да унинг малака оширишдан ўтиши ҳисобланади.

Малака тоифаларини беришда педагог кадр маълумотига қуйидаги талаблар қўйилади:

√ педагог кадрга мутахассис тоифаси унда бакалавр даражаси тўғрисидаги ёки олий маълумотга эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом мавжуд бўлганда аттестациясиз берилади;

√ магистр даражасига эга бўлган педагог кадрни ишга қабул қилишда иккинчи малака тоифаси аттестациядан ўтказилмасдан берилади. Бу тоифа кейинчалик аттестациялар натижасига кўра ўзгартирилиши мумкин.

√ ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига эга бўлган педагог кадрга аттестация натижаларига кўра мутахассис, иккинчи ва истисно ҳолларда биринчи малака тоифаси берилиши мумкин;

√ ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига эга бўлган педагог кадрга "Раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисида"ги низом кучга киргандан олдин олий ёки биринчи малака тоифаси берилган бўлса, кўрсатилган малака тоифаси ушбу низомга асосланиб ўтказилган аттестация натижаларига кўра сақланиши мумкин.

Саҳифани Ойбуви ОЧИЛОВА тайёрлади.

2014-yil 15-fevral, № 14 (8663)

Rasmiy bo'lim

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги 203-сонли қарори ижросини таъминлаш, умумий ўрта таълим муассасаларида 2013-2014 ўқув йилини якунлаш, ўқувчиларнинг билими, малака ва кўникмаларини якуний давлат аттестациясидан ўтказиш ва синфдан-синфга кўчириш бўйича босқичли назорат имтиҳонларини ташкил этиш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг 2014 йил 8 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим муассасаларида 2013-2014 ўқув йилини якунлаш, ўқувчилар билими, кўникма, малакаларини якуний давлат аттестациясидан ўтказиш ва синфдан-синфга кўчириш бўйича босқичли назорат имтиҳонларини ташкил этиш тўғрисида»ги 32-сонли буйруғи қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатга кўра, барча турдаги умумий ўрта таълим муассасалари, махсус мактаб ва мактаб-интернатларда ўқув машғулотлари 24 майда тугалланади. Умумий ўрта таълим муассасаларини битирувчи IX синф ўқувчиларини оғзаки ва ёзма ёки тест усулида якуний давлат аттестациясидан, IV–VIII-синф ўқувчиларини эса босқичли назорат имтиҳонларидан ўтказиш белгилаб қўйилди.

Якуний давлат аттестациялари IX синфларда жорий йил 26 майдан 15 июнгача, босқичли назорат имтиҳонлари эса 26 майдан 2 июнга қадар ўтказилади. Айрим фанлар чуқур ўргатиладиган мактабларнинг V—VIII синфларида ихтисослашган ўқув фанидан қўшимча имтиҳонлар муддати 3 кунга узайтирилиши мумкин.

Умумий ўрта таълим муассасалари, ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатлар битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси ва синфдан-синфга кўчириш босқичли имтиҳонлари қуйидаги фанлардан ўтказилади:

БИЛИМ, МАЛАКА, КЎНИКМАЛАР

якуний аттестация ва босқичли назорат имтиҳонларида намоён бўлади

IX синф битирувчилари учун якуний давлат аттестацияси		
Она тили ва адабиёт	ёзма (ижодий баён) — 26 май	
Математика	ёзма (теорема исботи билан) — 29 май	
Физика	оғзаки (лаборатория ишларини бажариш билан)	
Тарих	оғзаки ва харита билан ишлаш	
Кимё	ёзма	
Ўзбек тили (таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда)	оғзаки, нотаниш матнни ўқиб гапириб бериш, ёдлаган шеърини айтиш	
Рус тили (таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда)	оғзаки, нотаниш матнни ўқиб гапириб бериш, ёдлаган шеърини айтиш	
Жисмоний тарбия	назарий ва амалий — 5 — 10 май	
IV—VIII синфлар учун босқичли назорат имтиҳонлари:		
	IV синф	
1	Она тили	ёзма (диктант)
2	Математика	ёзма
	Жисмоний тарбия	назарий ва амалий
	V синф	
1	Математика	ёзма
2	Ўзбек тили (рус тили)	оғзаки, нотаниш матнни ўқиб гапириб бериш, ёдлаган шеърини айтиш
	Адабиёт	оғзаки
	VI синф	
1	Чет тили	оғзаки
2	Тарих	оғзаки
	Ботаника	оғзаки
	VII синф	
1	Она тили	ёзма (диктант)
2	Ўзбек тили (рус тили)	оғзаки
	Физика	оғзаки
	Информатика	ёзма (замонавий компьютер синфи бор мактабларда амалий иш)
	VIII синф	
1	Чет тили	оғзаки
2	Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси	оғзаки ва харита билан ишлаш
	Давлат ва ҳуқуқ асослари	оғзаки
	Биология	оғзаки

Таълим ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, туркман, қозоқ, қирғиз тилларида олиб бориладиган барча умумий ўрта таълим мактаблари учун якуний давлат аттестацияси ва синфдан-синфга кўчириш бўйича босқичли назорат имтиҳонлари материаллари Республика таълим маркази томонидан тайёрланиб, 2014 йилнинг 1 апрелига қадар Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари тасарруфидаги таълим муассасаларига етказилади.

Кўзи ожиз, заиф кўрувчи болалар махсус мактаб-интернатларида синфдан-синфга кўчириш босқичли назорат имтиҳонлари ҳамда битирувчилар учун якуний давлат аттестацияси умумтаълим мактабларига қўйилган талаблар асосида ўтказилади (жисмоний тарбия фани бундан мустасно).

Кар, заиф эшитувчи, полиомиелит (таянч-ҳаракат аъзолари шикастланган), нутқида нуқсони бор болалар махсус мактаб-интернатларининг битирувчи синфларида якуний давлат аттестацияси фақат она тили ва адабиёт (баён), математика (ёзма) фанларидан, ақли заиф болаларнинг махсус мактаб ва мактаб-интернатларида эса фақат меҳнат таълими бўйича Республика таълим маркази томонидан берилган тавсия ва мезонлар асосида ўтказилади.

Айтиш жоизки, IV–VIII синфлар учун босқичли назорат имтиҳонлари иккита ўқув фанидан ўтказилса-да, жадвалда кўрсатилган биринчи фандангина ўқувчилар мажбурий имтиҳон топширадилар. Иккинчи банддаги ўқув фанларидан бирини синовлар ўтказилишидан бир ой олдин танлайдилар. Мактаб педагогика кенгаши танланган фандан босқичли назорат имтиҳонини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади.

Шунингдек, ихтисослаштирилган мактаблар, мактаб-интернатлар ёки синфларда жадвалнинг 2-бандида кўрсатилмаган фан чуқурлаштириб ўтилаётган бўлса, бу фандан муассаса педагогик кенгашининг қарори билан қўшимча имтиҳон киритилиши мумкин. Имтиҳон материаллари Республика таълим марказининг тавсиялари асосида ўқув муассасаси ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилиб, туман(шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими билан келишилган ҳолда мактаб директори томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, ҳудудий халқ таълими бошқармалари зиммасига педагоглар, ота-оналар ва ўқувчилар ўртасида Халқ таълими вазирлигининг 2008 йил 4 мартдаги 56-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низом" мазмунмоҳиятини ўрганишни ташкил этиш, синовлар ўз муддатида ўтказилишини назоратга олиш вазифаси юкланилади.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИ СИНФДАН-СИНФГА КЎЧИРИШ МУВАҚҚАТ ТАРТИБИ

Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида"ги 203-сонли қарори а[illegible]сида ишлаб чиқилган бўлиб, [illegible]лим олувчиларни синфдан-синфга кўчиришни тартибга солади.

I. Умумий қоидалар

1. Умумий ўрта таълим муассасаларининг (кейинги ўринларда мактаб деб юритилади) таълим олувчилари, билим олиш усулидан қатъи назар, ҳар бир синфнинг дастурларини муваффақиятли тўлиқ ўзлаштириб, белгиланган ўқув фанларидан босқичли назоратдан муваффақиятли ўтгандан сўнг кейинги синфга кўчирилади.

2. Таълим олувчиларнинг билими, малака ва кўникмаларига қўйилган талабларнинг бажарилиши бўйича босқичли назорат (ёзма ёки оғзаки имтиҳ[illegible]амда тест топшириқлари шакл[illegible]да) IV—VIII синфларда ўқув фанларининг амалдаги ўқув дастури ва давлат таълим стандартлари асосида ўқув йилининг якуни бўйича ўтказилади.

3. Таълим дастурларини давлат таълим стандартлари талаблари даражасида ўзлаштирган ва барча ўқув фанларидан йил якуни бўйича ижобий баҳоланган ёки битта ўқув фанидан қониқарсиз баҳоланган (ушбу фан бўйича босқичли имтиҳон топшириш шарти билан) таълим олувчилар босқичли назоратга қўйиладилар.

4. Шартнома асосида мактабларда таҳсил олаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар босқичли назорат(аттестация)га мазкур тартибнинг 3-банди асосида қўйиладилар.

II. IV—VIII синфларда таълим олувчиларнинг босқичли назоратини ўтказиш тартиби

5. Босқичли назоратни ўтказиш муддати ҳамда имтиҳон топшириладиган фанлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг тегишли буйруғи билан белгиланади.

Босқичли назорат имтиҳонларини ўтказиш тартиби Халқ таълими вазирлигининг 2008 йил 4 мартдаги 56-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисида низом" талаблари асосида ўтказилади.

6. Босқичли назорат имтиҳонлари мактаб директори тасдиқлаган имтиҳон жадвали асосида амалга оширилади.

7. Фанлар бўйича имтиҳонларни ташкил этиш ва ўтказиш учун барча жавобгарлик мактаб имтиҳон комиссияси раиси — мактаб директори, у бўлмаган пайтларда унинг вазифасини бажарувчи шахс зиммасида бўлади.

Имтиҳон топшираётган ҳар бир синф учун мактаб директорининг буйруғи билан ҳар бир фандан имтиҳон олувчи комиссия қуйидаги таркибда тайинланади:

ўқув фани бўйича имтиҳон комиссияси раиси — мактаб директори, унинг ўринбосари ёки мактаб ўқитувчиси;

ушбу синфда мазкур фандан дарс берувчи (имтиҳон олувчи) ўқитувчи.

Имтиҳон ўтказиладиган синфга [illegible] берувчи ўқитувчи шу фандан [illegible]мтиҳон комиссиясининг раиси бўлиши мумкин эмас.

Фан бўйича имтиҳонларни ташкил этиш ва ўтказиш учун барча жавобгарлик ушбу комиссия раиси зиммасига юклатилади.

8. Ўқув фани бўйича имтиҳон комиссияси аъзоларининг вазифалари Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

9. Чет элларда вақтинча таълим олган (ота-онаси ҳориждаги дипломатик корпусларда ишлаган, турли танловлар ёки чет мамлакатларнинг грантлари ҳисобига таълим олган) IV—VIII синфда таълим олувчиларни босқичли назорат имтиҳонларига қўйиш масаласи Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вил[illegible]лар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан кўриб чиқилади.

III. Таълим олувчиларни босқичли назорат имтиҳонларидан озод этиш

10. Фанларни ижобий ўзлаштираётган таълим олувчилар мактаб директорининг буйруғи билан босқичли назорат имтиҳонларидан қуйидаги ҳолатларда қисман ёки бутунлай озод этиладилар:

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликларининг 1995 йил 22/23 майдаги «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини касаллиги туфайли синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларидан озод қилиш тўғрисида»ги 99/230-сонли қўшма буйруғи билан тасдиқланган касалликлар рўйхати ва йўриқномага асосланган ҳолда соғлиғи бўйича;

халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган фан олимпиадаларида, спорт мусобақаларида, турли кўрик-танловларда таълим олувчиларнинг иштироки бевосита босқичли назорат даврига тўғри келса, таълим олувчи шу кунлардаги имтиҳонлардан;

- имтиҳон топширилаётган фанни фақат аъло баҳоларга ўзлаштирган ҳамда намунали хулққа эга бўлган таълим олувчилар мазкур фан бўйича босқичли назорат(имтиҳон)дан озод этиладилар.

Босқичли назорат(имтиҳон)дан озод этилган таълим олувчиларнинг якуний баҳоси йиллик баҳоси асосида чиқарилади.

11. Таълим олувчи йиллик ижобий баҳоларга эга бўлган ҳолда соғлиғи туфайли босқичли назорат(имтиҳон)дан озод этилган тақдирда мактаб директори, ўқув муассасаси жойлашган ҳудуддаги даволаниш муассасаси тиббий назорат комиссиясининг мактаб шифокори, қишлоқ жойларда эса туман бош педиатри билан келишган ҳолда тиббий хулосалар асосида буйруқ қабул қилади.

12. IV—VIII синфда таълим олувчиларнинг яшаш жойи ўзгариши (республикадан ташқари)га чиқиши) муносабати билан шу ҳолатни тасдиқловчи расмий ҳужжатлари бўлса (бу ҳолат март-апрель-май ойларида юзага келса), бундай таълим олувчиларга босқичли назоратдан муддатидан илгари ўтишларига шу таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан рухсат берилади.

Бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган фанлардан имтиҳонлар, қолган асосий фанлардан синовлар ўтказилади. Имтиҳон ва синовларни ўтказиш муддати мактаб директори томонидан тасдиқланади ва улар мактабда тузилган муваққат имтиҳон комиссияси томонидан ўтказилади.

13. Босқичли назорат (имтиҳонлар) даврида касал бўлган ва имтиҳонлар тугашигача тузалиб чиққан таълим олувчилар таълим муассасаси директори буйруғига кўра қолдирилган имтиҳонларни, имтиҳонлар тугагандан сўнг икки ҳафта ўтгач ёки тақрорий имтиҳонлар даврида (август ойида) топширишлари мумкин.

IV. Ёзги топшириқлар ва тақрорий имтиҳонлар

14. Барча турдаги умумий ўрта таълим муассасалари томонидан синфдан-синфга кўчирилиши маълум муддатга кечиктирилган таълим олувчиларга ўзлаштира олмаган фанларидан ёзги ўқув топшириқлари берилади.

Ёзги ўқув топшириқлари барча синфларда фанлар бўйича амалдаги ўқув дастури асосида фан ўқитувчиси томонидан тузилади ҳамда муассасанинг мазкур ўқув фани методбирлашмалари томонидан тасдиқланади.

15. Ёзги топшириқларни олган таълим олувчиларга амалий ёрдам бериш мақсадида якка тарзда ёки гуруҳ машғулотлари ташкил этилади. Бундай машғулотлар жадвали мактаб директори томонидан тасдиқланади. Бунда фан ўқитувчиларининг меҳнат таътилида бўлмаган вақтлари инобатга олинади ва таълим олувчилар бу машғулотларда бепул қатнашадилар.

Таълим олувчиларнинг ота-оналари ўз фарзандларига қўшимча машғулотлар ўтказиш мақсадида шартнома асосида ўқитувчиларни жалб этишлари мумкин.

16. Ёзги топшириқлар олган таълим олувчилар ва уларнинг ота-оналарига ўтказиладиган тақрорий синовлар жадвали ёзги таътилга чиқишдан 3 кун олдин фан ўқитувчиси томонидан ёзма равишда маълум қилинади.

17. Тақрорий топшириқларни муваффақиятли топширган таълим олувчилар мактаб педагогика кенгаши қарори билан синфдан-синфга кўчирилади.

V. Таълим олувчиларни синфдан-синфга кўчириш тартиби

18. Босқичли назорат имтиҳонларини муваффақиятли топширган таълим олувчилар кейинги синфга кўчирилади.

Таълим олувчиларни синфдан-синфга кўчириш мактаб педагогика кенгаши қарори билан расмийлаштирилади.

19. Умумий ўрта таълим фанларидан I—VIII синфларда таълим олувчиларнинг билими ва кўникмалари бўйича йиллик баҳолари ураларнинг чораклик баҳолари асосида ўқув машғулотлари тугашидан 3—5 кун олдин чиқарилади.

20. 1-синфда таълим олувчилар тиббий-педагогик комиссия хулосаси асосида мактаб педагогика кенгаши қарори билан қайтадан ўқиш учун синфда қолдирилади. Бошқа ҳолларда 1-синфда таълим олувчилар синфда қолдирилмайдилар.

21. II—VIII синфлардан кейинги синфга барча ўқув фанларидан ижобий йиллик ва якуний баҳоларга эга бўлган таълим олувчилар ўтказилади.

Уч ва ундан ортиқ фанлардан қониқарсиз баҳоланган II—VIII синфда таълим олувчи мактаб педагогик кенгаши қарори билан такроран ўқиш учун синфда қолдирилади.

Бир ёки иккита фанни ўзлаштира олмаган таълим олувчилар ўқув йили тугагандан сўнг 2 ҳафта ўтгач ёки август ойида ёзма ёки оғзаки синовлардан (имтиҳонлардан) ўтказилади ва ижобий баҳоланганда педагогик кенгаш қарори билан синфдан-синфга кўчирилади.

Таълим олувчи бу синовлардан ҳам ўта олмаган тақдирда мактаб педагогика кенгаши қарори билан такроран ўқиш учун синфда қолдирилади.

22. Таълим олувчининг такроран синфда қолдирилганлиги ёки кузга вазифа олганлиги ҳақидаги педагогика кенгашининг қарори 3 кундан кеч бўлмаган муддатда таълим олувчига ва унинг ота-онасига ёзма равишда маълум қилинади.

23. Таълим олувчининг мактабда ўқишни давом эттиришига саломатлиги туфайли монелик кўрсатувчи омиллар хусусида тиббий хулосалар мавжуд бўлса, ота-онасининг розилиги билан ва педагогика кенгашининг қарорига асосан, у ихтисослаштирилган таълим муассасасига тиббий-педагогик комиссия йўлланмаси билан ўтказилади.

VI. Синфдан-синфга кўчириш ҳақидаги ҳужжатларни расмийлаштириш ва аълочи таълим олувчиларни тақдирлаш

24. Йиллик баҳолари ижобий бўлган ҳамда босқичли назорат имтиҳонларини муваффақиятли топширган таълим олувчиларга ўқув табели тўлдирилади ва синф раҳбари ҳамда директор томонидан имзоланиб, муҳр босилиб, расмийлаштирилади.

25. Барча фанлардан йиллик якуний баҳолари «аъло», хулқи «намунали» бўлган таълим олувчилар мактабнинг мақтов ёрлиғи билан тақдирланадилар.

VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

26. Мазкур тартиб талабларини бузган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

2014-yil — Sog'lom bola yili

Бола шахсида турли сифатларнинг шаклланишида мактаб даври муҳим аҳамиятга эга. Андижон туманидаги 28-умумтаълим мактабида ҳам ёш авлодни ақлий, жисмоний, руҳий жиҳатдан уйғун ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

БАРКАМОЛ ЎҚУВЧИ

ҳам жисмонан, ҳам маънан етук бўлиши лозим

— Мустақиллик ёшларимизга мукаммал билим олиб, ўзлари хоҳлаган касб-ҳунарларни эгаллаш имконини берди, — дейди мактаб директори Воҳиджон Ваҳобов. — Муассасамизда «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» шиори остида Мустақиллик, Наврўз ва бошқа умумхалқ байрамларига бағишлаб ўтказилаётган спорт мусобақалари ўқувчиларни жисмоний чиниқтириш билан бирга қалбида Ватанга муҳаббат, миллий ғурур каби туйғуларни ҳам шакллантирмоқда. Бундай беллашувларда тобланаётган ўқувчилар туман, вилоят, республика миқёсидаги спорт мусобақаларида ғолибликка асосий даъвогарлар сафидан жой олмоқда. Мисол учун, ўтган ўқув йилида Асака шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган тош кўтариш бўйича республика чемпионатида Комронбек Абдукаримов, Насибилло Абдуманнопов, Рухсора Акрамжонова олтин медаль соҳиби бўлди. Рўзимуҳаммад Тоҳиров каратэ беллашувида тенгдошлари ўртасида иккинчи ўринни қўлга киритди.

Айтиш жоизки, ўқувчи соғлом ҳамда баркамол бўлиб 9-синфни тамомлар экан, мустақил ҳаётга психологик тайёр ва касб танлаш бўйича ўз қизиқиши, иқтидори, қобилияти, имкониятлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши ҳам керак. Мактабнинг амалиётчи-психологи Шаҳзода Рўзиева ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлаш ва касб-ҳунарга йўналтириш борасида намунали иш олиб бормоқда. Ота-оналар ҳамкорлигида турли касб эгалари билан ташкил этилаётган давра суҳбатлари, касб-ҳунарга оид иншолар танловлари, коллеж ва лицейларга саёҳатлар, болаларни қизиқиши ва иқтидорига қараб тўгаракларга жалб этиш ишлари яхши самара бераяпти. «Ёш қаламкаш», «Тарихни ўрганамиз», «Ўлкамизни ўрганамиз», «Ёш физик», «Ёш математик», «Ёш табиатшунос», кутубхона қошидаги «Ёш муқовачилар» тўгараклари доимо гавжум. Бундай саъй-ҳаракатлар ўғил-қизларнинг касбий қизиқиши, лаёқати ва қобилиятини аниқлаш имконини бермоқда.

— Ўқувчиларнинг билим олишга, келажакда муайян соҳаларни эгаллашга қизиқиши ортишида дарсдан ташқари тадбирларнинг таъсири катта, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ботиржон Исмоилов. — Синфдан ташқари машғулотларда болаларни бўш вақтдан унумли фойдаланишга йўналтираяпмиз. Масалан, «Илм — саҳрода дўст, ҳаёт йўлларида таянч, ёлғизликда йўлдош, бахтиёр дақиқаларда раҳбар, қайғули онларда мададкор, одамлар орасида зебу зийнат, душманларга қарши қурол» деган ҳикматнинг моҳиятига мос беллашув ва кечалар ўқувчиларни жалб этмоқда.

Муассаса жамоаси қатъий интизом, аҳиллик, елкадош бўлиб ишлаш барча ютуқлар омили эканини чуқур англайди. Бугун 28-умумтаълим мактабига файз бағишлаб турган соғлом ва ишчан муҳит ана шу ҳаётий хулосанинг мевасидир.

Ҳ.БЕРДИМУРОДОВ

Ma'rifat

2014-yil 15-fevral, № 14 (8663)

Izlanish va samara

Ҳар қандай давлатда аграр соҳанинг ривожи аҳоли дастурхонининг тўкин-сочинлиги, иқтисодий барқарорликнинг асосий омили бўлиб хизмат қилади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам бу борада изчил ислоҳотлар амалга оширилиб, қишлоқ хўжалиги юксак тараққий этган мамлакатлар ҳам ўрганса арзийдиган муваффақиятларга эришилмоқда. Замонавий техникадан унумли фойдаланиш, селекция ва уруғчилик ишларининг илмий ва тизимли равишда олиб борилиши, фермер хўжаликларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ана шундай натижаларга асос бўлаяпти. Бу жараёнда ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

СЕЛЕКЦИЯ ВА УРУҒЧИЛИК

соҳадаги кенг кўламли илмий изланишлар натижалари дунё олимлари эътирофига сазовор бўлаяпти

Таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1992 йили ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Генетика институти 1997 йили Ўсимликлар экспериментал биологияси институти билан қўшилиб, мазкур йўналишдаги етакчи марказга айланди. Бугунги кунда институтда генетиканинг анъанавий ва замонавий йўналишлари бўйича кенг кўламли илмий изланишлар, турли лойиҳа ва тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Тўрт нафар академик, ўн нафар фан доктори, 36 нафар фан номзоди ҳамда 70 нафардан ортиқ илмий тадқиқотчилар фаолият юритаётган ушбу институтда ўсимликларнинг генетик ресурсларини сақлаш, ўрганиш ва фойдаланиш, ғўза ва бошқа экинлар сифат белгиларининг ирсийланиш ва ўзгарувчанлик қонуниятларини, ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига чидамлилик, физиологик-биокимёвий механизмларини тадқиқ қилиш, ўсимликларнинг янги навларини яратиш ва кўпайтириш ҳамда селекция ва уруғчилик ишлари бажарилиб келинаяпти.

— Мамлакатимизда жаҳон талабларига жавоб берадиган сифатли деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича ташкил этилган замонавий комплекс иқтисодиётимизни жадал суръатларда ривожлантиришга хизмат қилмоқда, — дейди институт директори, биология фанлари доктори Рустам Усмонов. — Бу комплекс илгари бўлгани каби пахта майдонларини кенгайтиришнинг экстенсив услубларига эмас, балки замонавий агротехнологияларни қўллаш ҳисобидан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, жаҳон талабларига тўла жавоб берадиган янги пахта навларини жорий этиш, фермер ва деҳқонлар учун барча зарур моддий-техник шароитларни яратиш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда давлат харидларини таъминлашга асосланган билан ҳам аҳамиятлидир. Бу йўлда институтимизнинг ҳам моддий-техник базаси йилдан-йилга мустаҳкамланиб, илмий-амалий тадқиқотлар учун замонавий лаборатория-таҳлил ускуналари ва компьютер технологиялари келтирилди.

СЕРҲОСИЛ, ЧИДАМЛИ ВА ТЕЗПИШАР НАВЛАР

Сўнгги йилларда ГЎЭБИда яратилган ўсимлик навлари ҳосилдорлиги, чидамлилиги ва хилма-хиллиги бўйича дунё олимлари эътирофига сазовор бўлаётир. Хусусан, ғўза генетикаси соҳасида амалга оширилаётган ишлар фермер ва деҳқонларимизни ҳам қувонтираяпти.

— Ғўзанинг серҳосил, юртимиз иқлим шароитига мос, сувсизликка чидамли, тезпишар навларини яратиш иқтисодиётимизни жадал ривожлантириш, экологик барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутади, — дейди институт директори, биология фанлари номзоди Саидмурод Бобоев. — Олимларимизнинг изчил изланишлари натижасида яратилган ғўзанинг иссиқ иқлимга мос «Беш қаҳрамон», қурғоқчилик ва шўрхокликка ўта чидамли "Навбаҳор-2", "Ишонч", "Кўпайсин", "Орзу", "Келажак" навлари яратилди. Шунингдек, «АН-16», "АН-18", "АН-513", "ЎзФА-703", "Зангиота-2", «Меҳнат», «АН-Боёвут-2» каби навларидан ҳам юқори ҳосил олинмоқда. Ушбу навлар экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларда ҳам мўл ва сифатли ҳосил етиштириш имконини бермоқда.

Айтиш жоизки, институтда ташкил этилган ғўза генофонди — ушбу йўналишда жаҳондаги энг ноёб коллекциялардан. Унда ғўзанинг 7,5 мингдан ортиқ нави намунаси жамланган. Дунёнинг турли ҳудудларидан келтирилган ушбу намуналар юртимиз иқлим шароитига мос янги ғўза навларини яратиш ва табиий хилма-хилликни муҳофазалашда муҳим ўрин тутади. Шу боис бу генофонд бутун дунё олимлари ва мутахассисларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Юртимиз илм-фанининг бу ютуғи Россия, АҚШ, Хитой, Австралия каби кўплаб давлатларнинг илмий-тадқиқот марказлари томонидан тан олиниб, доимий алоқалар йўлга қўйилмоқда. Айни пайтда олимларимиз ушбу коллекцияларни илмий асосда сақлаш ва бойитиш бўйича изланишлар олиб боришаяпти.

Бундан ташқари, бу ерда икки мингдан кўпроқ намунага эга буғдой генетик коллекциясини ўрганиш асосида ғалланинг серҳосил, тезпишар, касаллик, зараркунандалар ва қурғоқчиликка чидамли навларини яратиляпти. Яқинда синовдан муваффақиятли ўтган «Бардош» нави бунга яққол мисолдир.

«Бардош» буғдой нави: ярим қишки ҳисобланган ушбу қилтанақли буғдойнинг ҳосилдорлиги гектарига 65—70 центнерни ташкил этади, нон бўлиш сифати юқори, суғориладиган ерларга экилади, 210—220 кунда пишиб етилади, энг муҳими, занг касаллигига ўта чидамли.

ҲАМКОРЛИК ҲИКМАТИ

Шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги замонда ҳамкорлик алоқалари муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, ривожланиш, янада тараққий этиш учун энг замонавий технологиялардан, сўнгги русумдаги асбоб-ускуналардан фойдаланиш талаб этилади. Бундай жараёнда эса ҳамкорлик алоқалари алоҳида ўрин тутади. ГЎЭБИнинг бу борадаги фаолияти йил сайин ривожланиб, кенгайиб бормоқда. Хусусан, Хитойнинг Синьцзян фанлар академияси билан ғўза парвариши, томчилатиб суғориш ва глобал иқлим ўзгаришининг қишлоқ хўжалиги экинларига салбий таъсири мавзуларида қатор ҳамкорлик лойиҳалари амалга ошириб келинаяпти.

Шунингдек, АҚШ қишлоқ хўжалиги департаменти билан ҳам ғўза маркерларига асосланган селекция усулларини қўллаш бўйича ҳамкорлик лойиҳалари ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилмоқда. Институт тадқиқотчи олимлари чет давлатларда бўлиб, уларнинг селекция ва уруғчилик ишлари, техникадан фойдаланиш усуллари ҳамда илмий-амалий тажрибалари билан яқиндан танишиб, ўз билим ва малакасини ошириб келмоқдалар.

Қолаверса, институт Мексикадаги СИММИТ (Маккажўхори ва буғдойни яхшилаш халқаро ташкилоти) халқаро ташкилоти билан қадимий буғдой навларини ўрганиш ва қайта тиклаш бўйича ҳам эътиборли лойиҳаларни амалга оширмоқда. Жумладан, мамлакатимизда қадимдан экиб келинган ва бундан 25—30 йиллар муқаддам экилмай қўйилган «Қайроқтош» буғдой нави қайта тикланиб, ҳозир уруғини кўпайтириш ишлари бажарилмоқда. Ушбу қадимий буғдойнинг афзаллик томони шундаки, «Қайроқтош» унидан тайёрланган тандир нонлари узоқ муддат қотиб қолмаслиги ва сифатини сақлаб қолиши билан алоҳида ажралиб туради.

«Қайроқтош» буғдой нави: ушбу лалми ерларга экиладиган буғдой 115—120 кунда тайёр бўлади, ҳосилдорлиги 20—25 центнер, нон бўлиш сифати жуда юқори, клейковинаси (нонинг сифатини белгилайдиган оқсил моддаси) 40—42 фоизни ташкил этади.

ФОЙДАЛИ ВА ШИФОБАХШ СОЯ

Кейинги пайтда дунё аҳолисининг экологик тоза, тўйимли ва шифобахш истеъмол маҳсулотларига эҳтиёжи ортиб бормоқда. Бу борада ҳам институт ходимлари бир қатор эътиборга молик ишларни бажараяптилар.

Маълумки, мамлакатимизда ғалла йиғиштириб олинган аксарият ер майдонлари кейинги йил баҳоригача бўш қолади. Институт олимлари бўшаган майдонларнинг унумдорлигини ошириш ва бўш ерлардан унумли фойдаланиш мақсадида соя ўсимлигининг маҳаллий шароитга мослаштирилган янги «Генетик-1» ва «Сочилмас» навларини яратишди. Соянинг қисқа муддатда пишиши ва юқори ҳосил бериши фермерларнинг ушбу ўсимликка бўлган қизиқишини янада ошираяпти. Ҳозирги пайтда соя Андижон, Бухоро, Сурхондарё вилоятларида экилиб, мўл ҳосил олинмоқда.

Қайд этиш ўринлики, соя ўсимлиги ерни азот билан тўйинтириш, тупроқдаги бошқа ўсимликлар фойдалана олмайдиган фосфорни фаоллаштириш, унумдорликни ошириш хусусиятига ҳам эга. Шу боис бу ўсимликни такрорий экин сифатида экиш ерни фойдали моддалар билан тўйинтиришда муҳим ўрин тутади. Шунингдек, соядан олинадиган мой тўйимли ва шифобахшдир.

ЁШ АВЛОДГА ЭЪТИБОР

Институт фаолияти билан танишиш чоғи бу ерда амалиёт дарсларини ўтаётган бир гуруҳ ёшларни учратиб қолдик. Яқиндан танишиш ва илмий ишларидан бохабар бўлиш мақсадида талабаларни суҳбатга чорладик.

— Дарсдан бўш вақтларимда ушбу институтга келиб илмий ишим бўйича амалиёт ўтаяпман, — дейди Тошкент давлат аграр университети магистранти Жаҳонгир Раззоқов. — "Буғдойнинг сифат кўрсаткичини яхшилашда биотехнология усулларидан фойдаланиш" мавзуси бўйича изланмоқдаман. Институт илмий лабораторияларида ҳар йили кўплаб талабалар битирув-малакавий ишининг амалий жиҳатларини синовдан ўтказади. Мен ҳам бу ерда етакчи олимларнинг илмий фаолияти, жамланган ноёб коллекциялар билан бевосита танишиб, ўзим учун керакли маълумотларни олаяпман.

Мазкур илмий даргоҳда амалиёт ўтаётган Ўзбекистон Миллий университетининг биология факультети талабаси Шоҳиста Одилова "Юртимиздаги қадимий буғдой навларини молекуляр-генетик усулда таҳлил қилиш" мавзусида диплом иши ёзаётган экан. Албатта, бу мавзу ҳам қизиқарли, ҳам анча мураккаб ҳисобланади.

— Биз нафақат, урф-одат ва қадриятларимизни асраб-авайлашимиз, балки қадимда ота-боболаримиз экиб келган ва сўнгги пайтларда йўқолиб бораётган ўсимликларни қайта тиклашимиз керак, — дейди Шоҳиста. — Ҳозир айни мавзуда диплом иши учун маълумот йиғяпман.

Дарҳақиқат, ушбу илмий даргоҳ ёшларни соҳага кенг жалб этиш мақсадида олий таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Масалан, институт қошидаги Зангиота экспериментал тажриба базасида тумандаги агробизнес касб-ҳунар коллежи ўқувчилари доимий равишда амалиёт дарсларини ўташади. 36 гектарни ташкил этадиган бу тажриба майдонида олимлар, тадқиқотчи ва талаба-ёшлар селекция, уруғчилик ва соҳага тегишли бошқа ишлар билан шуғулланишади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг аниқ мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракатлари мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини, селекция, уруғчилик ишларини янада юксалтириш, буюк алломаларга муносиб ворис бўладиган интеллектуал салоҳиятли ёшларни камолга етказиш ва фанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдеворини яратишга хизмат қилмоқда.

Ҳасан МЎМИНОВ,
«Ma'rifat» мухбири

2014-yil 15-fevral, № 14 (8663)

«ЎҚИМАГАН» ОТА

Mulohaza

Ўқувчиларнинг ота-оналари билан тез-тез суҳбатлашиб тураман. Яқинда бир ўқувчимизнинг отаси беш йил хорижда ишлаб келганини, уйга қайтганида кичик ўғли танимай, онасининг орқасига бекинганини айтиб қолди. Сўнг мақтанишга тушди:

— Энди домла, ўзимиз ўқимадик, ўғилчани ўқитмоқчимиз. Шу десангиз, хорижидан ноутбук олиб келдим. Болам компьютерни, интернетни ўргансин, кўзи очилсин, дунёни билсин, дедим. Бир ота бўлса, шунча шароит қилиб берадида.

Унинг гапларидан бироз жаҳлим чиқди. Чунки етарлича пул, яратилган қулай шароит фарзандларнинг ҳар томонлама камол топишига доим ҳам асосий омил бўлавермайди. Ота назоратисиз ўсаётган ўсмирнинг одоб-ахлоқи, маънавий тарбиясидан қониқиш қийин. Ўғил бола ҳаётга муносабатни, оиласи учун масъулликни отадан ўрганади-ку, ахир?! Ҳали мустақил фикри, мустаҳкам ҳаётий позицияси шаклланмаган, назоратсиз бола ўқиш харажатларига ажратилган пулни мақсадли сарфлашига ҳам ишониб бўлмайди. Устига-устак, ахборот хуружлари авжига чиққан ҳозирги даврда осонгина «ўргимчак тўри»нинг асирига айланмаслигига, қора ниятли одамлар тузоғига тушмаслигига ким кафолат беради?

Ҳа, аввало, тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак. Шунинг учун педагоглар ота-оналар билан ишлаш самарадорлигини оширмоғи, «оналар мажлиси»га айланиб қолаёзган йиғилишларда кўпроқ оталар иштирокини таъминлаши, уларга фарзандлари олдидаги масъулиятни англатишга ҳаракат қилмоғи зарур. Шундагина эккан ниҳолларимиз тўғри ўсади, азим дарахтларга айланиб, мўл-ҳосил беради.

Эркин ДЎСТҚОБИЛОВ,
Қарши туманидаги 23-умумтаълим мактаби директори

Kuzatuv

ИЗҚУВАР РЕКЛАМА

Бирор веб-саҳифани кўздан кечираётсангиз, ён томонда сумка ҳақидаги кичик рекламага кўзингиз тушади. Сумка сизга маъқул. Жилмайиб қўясиз. Навбатдаги саҳифаларга ўтар экансиз, балки бу эълон эсингиздан чиқиб ҳам кетар. Аммо билмайсизки, у сизни изма-из таъқиб қилади. Қай саҳифада бўлманг, сумка янада бой колоритлар ва ҳатто чегирмалар билан пайдо бўлаверади. Илк бор мимикалар орқали кўрсатган ижобий реакциянгиз бунга сабабдир.

Ушбу технология асосида ётувчи сезгили кодлаш тизими XX асрнинг 70-йилларида америкалик психолог Паул Экман томонидан ишлаб чиқилган. Тадқиқот бренд менежерларини қизиқтириб қўйганди. 2007 йили Михаил Жаатма томонидан яратилган митти-жосус камералар янги изланишларга сабаб бўлди. Икки кашфиётни бирлаштирган "Тасвирни қайта ишлаш дастурий таъминоти" (Image-processing software) яратилгач, веб-саҳифаларга ўрнатила бошлади. Бу янгилик реклама саноати учун янги эшикларни очди. Изқувар рекламалар даври бошланди.

Тасвирни қайта ишлаш дастурий таъминоти ёрдамида видеодаги ҳиссиётларни ўқишни даромад манбаига айлантирган илк ташкилотлардан бири Лондондаги "Realeyes" компаниясидир. Ишлаб чиқарувчиларга маҳсулотлари ҳақида одамлар қандай фикрдалигини "билиб бериш" билан шуғулланувчи бу каби тадқиқотчи-компаниялар рекламаларни веб-саҳифанинг қай ерига жойлаштирилса, харидор эътиборини кўпроқ жалб этади, деган савол устида бош қотирмоқда. Мутахассислар бундай рекламани «интерактив реклама» дея атадилар.

Ушбу технология хавфсизлик, соғлиқни сақлаш, таълим, компьютер дастурларини такомиллаштириш учун ҳам хизмат қилиши мумкин. Жумладан, "Realeyes" томонидан "Kaplan" таълим хизматлари компанияси билан ҳамкорликда ишланган лойиҳа бу технологиянинг ўта фойдали эканини кўрсатди. Виртуал ўйинларга асосланиб, болаларга инглиз тилини ўргатишга мўлжалланган лойиҳа Венгрияда амалга оширилди. Болаларнинг дастурий ўйинларга муносабатлари уларнинг эмоцияларини "ўқиш" орқали маълум вақт ичида кузатиб борилди. Натижалар таълим-тарбия дастурларини ривожлантиришда қўл келди. Яъни, болаларнинг тил ўрганишига йўналтирилган онлайн дастурларни қандай яратиш зарур, уларда нималарни ўзгартириш керак, қайси машғулот турлари самарали каби саволларга жавоб топишга ёрдам берди.

Интернет-реклама-бизнес... Бугун бу тушунчалар бир-бирини тўлдирмоқда, бири иккинчисинигр ривожланишига туртки бермоқда. Реклама саноатининг яратувчан ғоялари интернетнинг ҳам, бизнеснинг ҳам такомилига туртки бўлаётир. Жумладан, изқувар рекламалар маҳсулотнинг аниқ аудиториясини аниқлашда ишбилармонларга яқиндан кўмакдош бўлмоқда.

Камола АБУЛҚОСИМОВА,
ЎзМУ ўқитувчиси

Toshkent shahri Matbuotchilar ko'chasi 32-uy. «Ma'rifat» gazetasi tahririyatiga

«Ma'rifat»ga maktublar

E-mail: info@marifat.uz

ЭНГ ЯХШИ КИТОБХОН ОИЛА

Ko'rik-tanlov

Китоб инсонни маънавий камолотга элтувчи энг асосий восита саналади. Шу боис азалдан ўзбек оиласида китобнинг ўрни катта бўлган. Ота-боболаримиз йиғилишиб, навоийхонлик кечаларини тез-тез ўтказишган. Бу пайтда бутун оила аъзолари мумтоз ғазаллардан баҳраманд бўлишган. Абдулла Қодирий, Усмон Носир каби адиблар ўз болалик хотираларида мана шундай базмлар уларни илк бор адабиётга ошно этганини таъкидлашган.

Демак, китобхонлик тарғиботида, аввало, оила муҳити муҳим омилдир. Шунинг учун, таълим муассасамизда ўтказиладиган тадбирларнинг кўпчилиги оилавий китобхонликни оммалаштиришга қаратилади. Жумладан, "Энг яхши китобхон оила" кўрик-танлови бу борада жуда самарали бўлмоқда.

— Танловни ноанъанавий усулда ташкил этдик, — дейди иқтидорли бошланғич синф ўқитувчиларимиздан бири Мунисхон Юсупова. — Танлов нафақат ўқувчилар, балки уларнинг ота-оналари, ака-ука, опа-сингиллари ўртасида ҳам ўтказилди. Ҳатто бувию буволарнинг иштирок этгани беллашувларда жўшқинликни оширди. Танлов якунида «Савол-жавоб», «Блиц-сўров», «Қизиқарли кроссворд» сингари шартлардан муваффақиятли ўтган Бердиевлар оиласи ғолиб деб топилди. Бундай тадбирлар ёшларнинг китобга меҳрини янада оширади, руҳан соғлом, маънан етук бўлиб вояга етишига ҳисса қўшади.

Маҳмуда САЙФИДДИНОВА,
Яккасарой туманидаги 26-умумтаълим мактабининг директор ўринбосари

2014-yil — Sog'lom bola yili

Назира БОЙМУРОДОВА олган сурат.

Sizga gapim bor

КАТТА БЎЛСАМ...

Кўчада болаларнинг суҳбатига беихтиёр қулоқ тутдим. Бири ўртоқларига мақтанаяпти: «Катта бўлсам, дадамга ўхшаб бизнесмен бўламан, пулларим кўп, ко-отта мошинам бўлади». Чамаси беш ёшлардаги қизалоқ «Мен катта бўлсам, ойимга ўхшаб шифокор бўламан, беморларни даволайман», деди фахр билан. Эндигина учга кирган жамалаксоч Феруза эса қўшнисининг янги келинидек чиройли келинчак бўлишини, ялтироқ кўйлаклар кийишини айтганда ҳамма болалар кулиб юборди. Келинлик ҳам касб эканми, бунақаси бўлмайди-ку, деб тортиша кетдилар... Мен эса қизалоқни ўзимча оқладим. Майли-да, келин бўлишни истаган бўлса, бир кун, албатта, орзусига етади. Энг асосийси — ниятнинг борлиги.

Яқинда бир курсдошимни учратиб қолдим. Анчадан буён кўрмаганим учун қизиқиб «Қаерда ишлаяпсиз?» десам, «Чорсуда» дейди. «Эй, бундай газета йўқ эди-ку», деб ҳайрон бўлганимни кўриб «Бозорда» дея тушунтирди. Ичимда нимадир «чирт» узилгандек бўлди. Наҳотки, тўрт йил журналист бўлиш учун ўқиб-ўрганган одам бугун бозорда кийим-кечак сотиб ўтирса?! Бу билан бозорда ишлаш айб ёки ёмон демоқчи эмасман. Нима иш қилса ҳам, ҳалоли бўлсин. Аммо бир пайтлар барчамиз учун ўрнак бўлган, долзарб мавзуларда мақолалар ёзадиган ажойиб бир журналистни бозорда кўриб, ачиниб кетдим.

Яна бир воқеа ҳали-ҳануз ёдимдан чиқмайди. Эндигина биринчи босқичга келиб зўр иштиёқ билан ўқишга киришгандик. Бир курсдошимиз эса нимагадир дарсларда фақат хаёл сурар ёки устозларнинг маърузаларини тинглаш ўрнига журналистикага алоқаси бўлмаган китобларни ўқиб ўтирарди. Икки ойлар ўқиганимиздан кейин эса бирданига кўринмай қолди. Кейин билсак, қайтадан имтиҳон топшириб, бошқа университетга кирибди. Ўшанда барчамиз ҳайрон бўлгандик. Ўйлаб кўрсам, «ҳечдан кўра кеч яхши» деганларидек, собиқ курсдошимиз тўғри қилган экан. У ҳозир ўзи қизиққан соҳада фаолият юритади. Касбини жондан севади.

Ўқиганим бор — ҳаётдаги энг катта уч фожиадан бири ўзи истамаган соҳада ишлаш экан. Киши истамаган ишини шунчаки қўл учида бажаради. Яхши кўрган юмушини эса чин дилдан, мароқ билан қилади. Бунинг эса жамиятга ҳам нафи катта. Шу боис фарзандларимиз болалигиданоқ нималарни орзу қилишига қизиқишимиз лозим.

Райҳона ХЎЖАЕВА

БОЗОР КЎРГАН «КУЁВ»

Voqea

Нилуфар онаси билан бирга бўлажак турмуш ўртоғига бозордан кийим-кечак олиб келгач, учрашувга шошилди. Танлаб-танлаб харид қилинган буюмлар таърифини келтириш унга мароқли эди-да. Бу кийимлар юртимиз чеварлари қўлида, табиий матодан бежирим тикилганди. Энтикиб, шодликдан юзлари гул-гул яшнаб, бир умр суянчиқ бўлади, деб танлаган инсони қаршисига боргач, дарҳол харид қилинган буюмларни санай кетди. У йигитнинг қовоғи осилаётганини ҳам пайқамади.

— Жаврашни бас қил, — дея уни тўхтатди йигит қўполдан-қўпол. Сўнг сўзида давом этди. — Ўзим ахмоқ, сенларнинг замондан орқада қолганларингни билмаган эканман. Бўлмаса, қайси кийим, қайси чет эл фирмасида ишлаб чиқарилгани, қанақа рангу қанақа фасонда бўлиши кераклигини бирма-бир ёзиб берардим. Нарсаларни эгасига қайтаринглар-да, пулини ўзимга беринглар. Сенларга қандай кийим олиш кераклигини ўргатиб кўяман...

Нилуфар устидан бир челак совуқ сув қуйилгандек ҳис қилди ўзини. «Сени бахтли қиламан. Кўзларингдан бир томчи ёш томмайди», дея қоп-қоп ваъдалар берган йигит оддийгина кийим-кечакни деб шунчалар ғавғо кўтарса...

Кўзи ёшга тўлган қиз ортиқча сўз демади. Сўнг хайрлашдида, ортига бурилди. У айни дамда турмуш қуришда шошилмаслик кераклиги, чин инсонлик мезонлари ҳақида ўй сурганча одимларди.

Ҳайитгул ҒАНИЕВА

Саҳифани Дилшод КАРИМОВ тайёрлади.

2014-yil 15-fevral, № 14 (8663)

Bilasizmi?

СИФАТЛИ ОШХОНА БУЮМЛАРИ

сизга ёқимли иштаҳа тилайди

Ҳар куни истеъмол қиладиган таомларимизнинг мазали ва фойдали бўлиши уларнинг қандай идишда тайёрланаётганига ҳам боғлиқ. Шу боис ошхона учун зарур идиш-товоқларни харид қилганда уларнинг сифати, таом тайёрланганда ёки сақланганда бузилмаслиги, узоқ вақт ишлатилиши, ташқи кўринишига зиён етмаслигига ҳам эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Аждодларимиз табиий идишларда овқатланиб, хўл меваларни, тез айниб қоладиган озиқ-овқатларни дарахт новдаларидан тўқилган саватларда сақлашган. Ҳали қошиқлар унча урф бўлмаган пайтларда ота-боболаримиз таомни қўлда истеъмол қилишган. Албатта, бунинг ҳам ўзига хос афзалликлари кўп. Бармоқларимиз учида кўплаб асаб тугунчалари жойлашган бўлиб, улар миямизга овқатнинг иссиқ ёки совуқлиги ҳақида маълумот жўнатиб, организмимизни тановул қилишга тайёрлайди. Бундай анъаналар узоқ вақтлардан буён авлоддан авлодга мерос бўлиб келмоқда. Ёғоч чўмичу нонсаватлар, ёғоч қошиқлар, толқон туйиш, сумалак учун ундирилган буғдойни эзиш, турли доривор гиёҳларни майдалаш учун ёғоч кели, қатиқнинг сариёғини ажратиб олишда ёғоч кувилардан фойдаланаётган оилалар талайгина.

Бундай идишларни тайёрлаш учун хомашёлар дарахтлардан олинади. Тол, ўрик, ёнғоқ, чинор, тут, заранг дарахтларидан тайёрланганлари фойдали хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради. Момоларимизнинг айтишича, бундай идишларда сақланган озиқ-овқат маҳсулотлари узоқ вақт фойдали хусусиятини сақлаб қолиш билан бирга, мазасига маза ҳам қўшилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ёғочда ошловчи моддалар кўп бўлиб, микроблар кўпайишига йўл қўймайди. Шунинг учун унда сақланган маҳсулот тез айнимайди, аксинча, инсон учун кўпгина фойдали витаминлар билан бойийди. Толдан қилинган товоқда ош, шилпилдоқ каби таомлар истеъмол қилинса, ундаги бироз тахир, аммо ёқимли таъм овқатга ўтиб, иштаҳангизни қитиқлайди. Ўрик ва ёнғоқ дарахтларидан ишланган идишлар ҳам жуда фойдали. Кўпгина уй бекалари мураббони тайёрлашда металл қошиқлардан фойдаланишади. Бу нотўғри экан. Чунки мева таркибидаги фойдали элементлар металл буюм таъсирида парчаланиб кетади, ёғоч қошиқдан фойдаланганда эса, аксинча, витаминлар фойдали хусусиятларини сақлаб қолади.

Шиша идиш иссиқни узоқ сақлайди ва бегона таъм ва ҳидларни яқин йўлатмайди. Таомни тайёрлаш учун ҳам, сақлаш учун ҳам қулайдир. Сўнгги пайтларда зангламайдиган пўлат идишлардан кенг фойдаланилмоқда. Зангламайдиган пўлат ва титандан тайёрланган идишлар оксидланишга бардошли. Унда тайёрланган ва сақланган маҳсулотлар ўз хусусиятини, таъми ва ҳатто витаминларини ҳам йўқотмайди. Бундай идишда аччиқ овқатлар пиширмаган маъқул. Бу идишлар овқат тайёрлашда ўзидан ҳеч қандай заҳарли модда ажратмайди. Лекин никелланган идишларни сотиб олишдан аввал оилада ҳеч ким аллергик хасталикка чалинмаганини эътиборга олиш зарур.

Эмалланган идишларда овқат пишириш, хоҳлаган маҳсулотларни сақлаш, тузлама ва маринадларни чўчимай тайёрлаш мумкин. Шунингдек, унда овқат тайёрлаганда тагига олмайди. Лекин унинг асосий камчилиги мўртлигидир. Эҳтиётсизлик билан ишлатилганда, эмалланган идишнинг нозик қопламаси кўчиб, синиши ёки дарз кетиши мумкин. Бундай идишларда кўпроқ димланадиган таомлар тайёрлаш мақсадга мувофиқ.

Алюминдан тайёрланган идишларда аччиқ ва нордон овқатлар пишириш, сабзавотларни қовуриш ва димлаш, сут қайнатиш, тузламаларни сақлаш тавсия қилинмайди. Озгина иситганда ҳам кучсиз кислоталар ва ишқорлар металлнинг ҳимоя қатламини емиради ва алюминий моддаси овқат таркибига қўшилиб кетади. Бироқ унинг фойдали томони, унда бўтқали овқатлар пишириш эмалланган идишга қараганда қулайроқ. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, алюмин идишда пишириш мумкин, лекин тайёр овқатларни ҳеч қачон унда сақламаслик керак. Алюминнинг организмга овқат таркибида кириши эса айрим касалликларнинг кучайишига олиб келиши мумкин.

Алюмин идишларда сақланувчи таом ва буюмларнинг соғлиққа салбий таъсири тиббий жиҳатдан исботланган бўлса-да, ихчам, қулай ва арзонлиги учун бундай маҳсулотлар истеъмол бозорида ўз ўрнига эга. Исроиллик тиббиётчи олимлар изланишлари натижасида алюмин каби металл идишлар инсон ҳаёти учун ўта хавфли экани аниқланди. Биринчидан, ушбу модда ош миқдорда ошқозон-ичак тизимида йиғилиб, жигар ва буйракнинг нормал фаолиятини бузади. Иккинчидан, таркибидаги зарарли консервантлар организмнинг гормонал тизимига салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, идиш оғзида кўп кир тўпланиб, ичимлик билан бирга ички аъзоларга кириб боради. Алюмин идишда сабзавот қайнатиш тавсия этилмайди. Олимларнинг фикрича, ишқорланган сувдаги алюминий паркинсон ва альцгеймер хасталигини келтириб чиқаради.

Полимер қатламли идишлар юқори ҳароратда ўзидан заҳарли модда чиқаради. Бу идишдан фойдаланганда ёғоч чўмич ва ёғоч капгир ишлатиш керак, темир асбоблар идишни тирнаб, сифатини бузади ва тез ишдан чиқишига олиб келади.

Тефлон — идишларни куйишдан яхши ҳимояловчи қоплам бўлиб, лекин у ҳам 200°Сда бўгланиб ўчиб кета бошлайди. Уни ишлатиш хавфсиз, деган фикрлар ҳам учраб туради, лекин, барибир, сертификатланган маҳсулотларни сотиб олиш мақсадга мувофиқ. Сифатсиз тефлон идишнинг қоплами иситилганда парчаланиб, заҳарли моддa — фосген гази ажралиб чиқа бошлайди.

Чўян идишларнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари бор. У оғир, пишиқ, қалин бўлгани учун овқат деярли куймайди. Гарчи секин исиса-да, ўзида ҳароратни кўп ушлаб туради ва секин совийди. Шу боис ундан маҳсулотларни димлаш учун фойдаланиш мумкин.



Силикон идиш — эластик, мустаҳкам ва 2800°Сгача ҳароратга чидамли. Уни микротўлқинли печ ва духовкаларда ишлатиш мумкин. Бундан ташқари, унинг ёрдамида мазалатилган маҳсулотларни эритиш мумкин. Силикон инерт материал бўлиб, зангламайди ва майдаланмайди, иссиқ ёки совуқ маҳсулотлар билан реакцияга киришмайди. Силикон идишда пишган таомни олиш жуда осон. Бунинг учун юмшоқ силикон бир ёнидан букилади. Силлиқ юза табиий куйишга қарши самарали хусусиятларга эга. Энг ажойиб жиҳати шундаки, уни буклаб, ихчам ҳолга келтириш, керак бўлганда, очиб аввалги ҳолатига қайтариш мумкин.

Кўплаб шифобахш хусусиятларга эга сопол идишлар илгари лой таркибига ҳеч қандай сунъий қўшилмалар аралаштирилмай ясалган. Ҳатто уларни безаш учун бўёқ ҳам қўлланилмаган. Бундай сопол идишлар куйган гил кўринишида бўлган. Уни оч рангга келтириш учун куйдиришдан аввал устидан суюқ оқ гил қуйилган. Қорамтир кулолчилик маҳсулотини ясаш учун эса буюм катта печда ҳаво кирмайдиган қилиб қиздирилган. Кулолларнинг кўз нури ва қалб кўри билан яратилган бундай идишларда тайёрланган таом саломатлик учун жуда фойдали саналади.

Идишнинг шакли таом пиширишда катта аҳамиятга эга. Масалан, қорни кенг, оғзи тор сопол кўзаларда овқат ҳил-ҳил пишиб, металл идишдан фарқли ўлароқ, барча фойдали витаминларни ўзида сақлаб қолади. Кенг сопол кўзаларда овқат тайёрлаганда олов ҳамма томонига тенг тарқатилса, иссиқлик беҳуда сарф бўлмайди. Бугунги кунда ҳам аксарият миллий таомлар тайёрланаётган ошхоналарда сопол кўзачаларда биқиллаб пишган "кўза шўрва"ларни хўрандалар севиб тановул қилишаётир.

Елим идишларнинг соғлиқ учун хавфли экани кўп маротаба айтилган. Биргина сув қадоқланадиган елим идишларда репродуктив саломатликка зарар етказувчи экстроген моддалар борлиги аниқланган. Шу боис шифокорлар елим идишлардан имкон қадар камроқ фойдаланишни, айниқса, елим идишларда қадоқланган ичимликларни камроқ ичишни маслаҳат беришмоқда.

Ҳозирги кунда пластик идиш, айниқса, уларнинг бир марта ишлатиладигани кенг тарқалган. Улар ҳақиқатан ҳам қулай. Унда овқат пишириб бўлмайди, эриб кетади. Аммо бундай идишлардан маҳсулотларни ташиш ва микротўлқинли печларда иситиш ҳоллари кўплаб учрайди. Пластик идишдан имкон қадар иссиқ ичимлик ва овқатларни ташиш ёки сақлаш мақсадида фойдаланмаслик зарур. Чунки иситганда ундан заҳарли моддалар ажралиб чиқади. Агар идишнинг орқа тарафида «melamin» деган ёзув бўлса, уни умуман сотиб олиш ва ишлатиш тавсия этилмайди. Меламин таркибида формальдегид моддаси бўлиб, у иссиқ сув билан реакцияга киришганда, айниқса, овқатга аралашиб кетади. Формальдегид канцероген моддалар қаторига киради ҳамда кўз, томоқ, тери, ўпка ва нафас йўллари хасталикларига кенг йўл очади. Пластик идишлардан фойдаланишда, уларнинг хавфсизлиги ҳақида маълумот берувчи ёрлиғига эътибор қаратиш лозим. Харид қилиш чоғида ўткир ҳидли пластик идишларни четлаб ўтган маъқул.

Электр плитасидан фойдаланадиган уй бекалари това ва кострюльканинг ост қисми конфорка билан бир хил диаметрда ва қалин, силлиқ бўлишига, қопқоғининг зич ёпилишига алоҳида эътибор қаратишлари керак. Мухтасар қилиб айтганда, хўжалик моллари дўконидан сифатли, иссиқлик сақловчи, зангламайдиган ошхона анжомларини танлаш ҳам ўта эҳтиёткорлик ва эътиборни талаб этади. Зеро, идишни нотўғри танлаш оқибатида истеъмол қилаётган озиқ-овқатларимизни иссиқлик тез тарк этиши, натижада эса саломатлигимизга зиён етиши мумкин.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ тайёрлади.

ЧЕКИШ ИНСОННИ ДАНГАСА ҚИЛИБ ҚЎЯДИ

Бразилиялик бир гуруҳ олимлар ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, тамаки маҳсулотлари нафақат саломатликка салбий таъсир кўрсатади, балки ялқовликни ҳам кучайтиради. Изланишлар ҳар куни маълум миқдорда никотин қабул қилган кишилар бошқаларга қараганда камроқ ва секинроқ ҳаракат қилишини кўрсатди.

Деярли бир ҳафта давом этган эксперименталт тадқиқотлар жараёнида мутахассислар эллик нафар ашаддий чекувчилар ва олтмиш нафар ушбу одатдан йироқ кишиларга қадамни ўлчайдиган асбоб бериб, кунига 12 соат давомида уни тақиб юришни сўрашди. Шу билан бирга, иштирокчилардан қисқа анкета саволларига жавоб олишди.

Олинган натижаларни умумлаштирган олимлар чекувчиларнинг кун давомида бошқаларга қараганда камроқ қадам ташлашини аниқлашди. Кузатувлар вақтида кўпчилик кашандалар жисмоний зўриқиши ва узоқ вақт юришдан қийналгани маълум бўлди. Уларни нафас қисиши ва кўкрак соҳасидаги оғриқлар безовта қилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, кашандаларда жисмоний фаолликнинг камайиши кейинчалик ўпкада ҳаво айланиши, тўқималар гипоксияси (кислород танқислиги) ва ҳаёт кечириш сифатининг пасайишига олиб келиши мумкин.

БАЛИҚ ОВИНГИЗ БАРОРИДАН КЕЛАДИ

Қармоқ кўтариб балиқ овига чиқаётган одам овининг бароридан келишини орзу қилади. Бироқ ҳар доим ҳам ов муваффақиятли бўлавермайди. Гарчи ушбу машғулот кайфиятга ижобий таъсир кўрсатса-да, овнинг бароридан келмаслиги кўнгилни хира қилади. Канада компанияларидан бири томонидан ишлаб чиқарилган «FishHunter» қурилмаси эндиликда ушбу муаммога барҳам бериши мумкин.

«FishHunter Sonar» ихчам гидролокатор бўлиб, 30—40 метргача сув остидаги балиқларни ҳам аниқлашга ёрдам беради. Бунинг учун у сувга товуш тўлқинларини мунтазам равишда юбориб, жонзотларнинг жойлашган ўрнини аниқ кўрсатиб беради.

Гидролокаторнинг тўлақонли ишлаши учун у Bluetooth интерфейси орқали махсус илова дастур ўрнатилган смартфон ёки планшетга уланади. Натижада экранда балиқларнинг ҳаракатини кузатиб туриш имкони пайдо бўлади.

«FishHunter Sonar» қурилмаси қобиғи сув ўтказмайдиган силикон ва поликарбонат пластиқдан тайёрланган бўлиб, вазни 118 грамни ташкил этади. Мосламанинг 6—9 соат давомида тинимсиз ишлаши учун унга 600 мА/соат қувватта эга аккумулятор жойлаштирилган.

ҚОҒОЗ-КЛАВИАТУРА АФЗАЛ(МИ?)

Британиянинг «Novalia» компанияси оддий клавиатурани қоғозга чоп этиш технологиясини ишлаб чиқди. Клавиатурани қоғозга чоп этишнинг афзаллиги шундаки, уни исталган шакл ва ҳажмда, қулай кўринишда тайёрлаш мумкин.



«Novalia» муҳандислари намойиш этган клавиатура бир неча қават қоғоз қатлами ва улар орасига жойлаштирилган унчалик катта бўлмаган контроллер(ихтисослашган процессор)дан ташкил топган. Энг устки қатламда металл тугмачалар, иккинчи қатламга ток ўтказувчи йўлакчалар жойлаштирилган бўлиб, улар тугмачалар ва микросхема ўртасидаги алоқани таъминлаб беради.

Клавиатурага ўрнатилган «Nordic Semiconductor» микропроцессори маълумотларни қайта ишлаб, уларни Bluetooth интерфейси орқали компьютер ёки мобил ускунага жўнатади.

Лойиҳа муаллифларининг таъкидлашича, бундай клавиатурани яратиш кўп вақт ва маблағ талаб этмайди. Янги маҳсулот жорий йил охирларида фойдаланувчилар қўлига тегиши кутилмоқда.

БОДРИНГ ВА ҚУЛУПНАЙ ХОТИРАНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Ушбу сабзавот ва мева таркибидаги фойдали моддалар хотиранинг ёмонлашуви жараёнини секинлаштириб, Альцгеймер хасталигига барҳам бериши мумкин. Солк биологик тадқиқотлар институти (АҚШ) олимлари ўтказган изланишларда лаборатория шароитида жониворларга бодринг ва қулупнай таркибида кўп миқдорда учровчи физетин флавоноли таъсири ўрганилди.



«Asian News International» ахборот агентлигининг маълум қилишича, мазкур бирикма хотира ва ақлий салоҳият даражасининг тушишига тўсқинлик қилиб, болаларнинг ўқиш жараёнида дуч келган айрим муаммоларини бартараф этиши мумкин. Олимларнинг қайд этишича, физетин моддаси Альцгеймер хасталиги аломатлари билан курашишда, айниқса, фойдали. Бироқ мазкур хасталиқдан батамом халос бўлиш учун самарали дори воситаси ҳозирча яратилгани йўқ.

Қайд этиш лозимки, физетин флавоноли тўла соғлом кишиларнинг ҳам асаб тизими фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Бундан 10 йил аввалги изланишларда мазкур бирикманинг бош мия нейронлари билан боғлиқлиги аниқланган эди. Флавонол ўзининг антиоксидантлик хусусияти билан асаб толалари жароҳатланишига, шунингдек, қариш жараёнига тўсқинлик қилади. Шу боис катталар ҳам, болалар ҳам таркибида кўп миқдорда физетин бўлган бодринг ва қулупнайдан керагича истеъмол қилишни унутмасликлари лозим.

КУЧЛИ ШАМОЛ ГЛОБАЛ ИСИШНИ СЕКИНЛАШТИРДИ

Австралиядаги Янги Жанубий Уэльс университети мутахассиси Мэть Ингленд ва унинг ҳамкасблари шамоллар тезлигининг глобал иқлим ўзгаришларига таъсирини ўрганиб чиқишди. Бу ҳақидаги батафсил маълумотлар «Nature Climate Change» журналида эълон қилинди.

Маълум бўлишича, сўнгги беш йил ичида кучли пассат шамоллари океанларда сув сиртидаги иссиқ ҳароратни пастки қатламларга етказиб, совуқ ҳароратни эса океан сиртига олиб чиқувчи оқимларни вужудга келтирган. Мазкур жараён глобал иқлим исишига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, уни бир муддат тўхтатиб туришга хизмат қилгани таъкидланмоқда.

Ўтган йили АҚШдаги Океанография институти мутахассислари Ю.Косака ва Шангпин Се Тинч океани сиртида исиш жараёнининг секинлашганини қайд этишган, бироқ мазкур ҳодисанинг сабаблари номаълумлигича қолган эди.

Нима учун пассат шамоллари тезлигининг ортганини мутахассислар ҳар ўн йилда такрорланувчи ўзгаришлар билан изоҳлашган? Мазкур айланма жараён кучли шамоллар ва океан сатҳининг совушини келтириб чиқаради. Бироқ қайд этилган натижалар тахмин қилинганидан икки баробар юқорироқ экани маълум бўлди.

Инглендниг таъкидлашича, шамоллар кучи тушиб боради. Натижада иссиқлик атмосферага қайтади ва беш-олти йил ичида океаннинг исиши яна жадаллашади.

С.РУСТАМОВ тайёрлади.

JUMLADA JAHON

yangiliklari ✪ xabarlari

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида тез тиббий ёрдам машинаси ва мактаб автобуси тўқнашуви оқибатида уч киши, жумладан, ҳар икки транспорт воситаси ҳайдовчиси жароҳатланган, автобусдаги 16 нафар ўқувчи эса тиббий текширувдан ўтказиш учун шифохонага олиб кетилган.

Японияда сўнгги 45 йил ичида илк бор кузатилган кучли совуқ натижасида ҳалок бўлганлар сони 13 нафарга етган, йўл-транспорт ҳодисалари, сирпанчиқлар сабаб жароҳат олганлар эса мингдан ошиб кетган, қор бўронлари 20 мингдан зиёд хонадонни электр энергияси таъминотисиз қолдирган, 300дан ортиқ авиарейс бекор қилинган.

АҚШнинг Нью-Гемпшир штатидаги Питерборо шаҳрида жойлашган «New Hampshire Ball Bearings» компаниясига қарашли заводда келиб чиққан портлаш ва ёнғиндан 15 киши жароҳатланган ва яна 450 ишчи эвакуация қилинган.

Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлигидан берилган маълумотга кўра, чўчқа гриппининг кенг тарқалиши оқибатида Мексикада йил бошидан буён 421 киши ҳаётдан кўз юмган, 3,7 минг нафар бемор ушбу касалликдан азият чекмоқда.

Аргентинанинг Мендоса провинциясидаги Буэнос-Айрес ва Чилини боғлаб турувчи трассада юк автомобили ҳамда автобуснинг тўқнашуви оқибатида 19 киши ҳалок бўлган, 14 йўловчи жароҳатланган.

Альп тоғларининг Франциядаги қисмида Ницца шаҳридан Динь-ле-Бенга йўл олган, денгиз сатҳидан 1000 метр баландликда ҳаракатланиб кетаётган поезд қаршисига тоғдан катталиги автомобилдек келадиган тошнинг қулаб тушиши оқибатида издан чиқиб кетган ва икки киши ҳаётдан кўз юмган, 9 киши кучли жароҳат олган.

ОҚИБАТЛАРИНИ АНГЛАБ ЕТАЙЛИК

Ёнғин инсон ҳаётига таҳдид солувчи офатлардан бири бўлиб, у қай тарзда содир бўлмасин мудҳиш оқибатларга олиб келиши аниқ. Бу фалокат оқибатида ҳар йили дунёда қанчадан қанча одамлар бошпанасиз қолади, саломатлигини йўқотади, ва, ҳатто, дунёдан кўз юмади. Ана шундай оғир оқибатларга олиб келишини ўйлаган, англаб етган инсон унга бепарво бўлмаслиги, доимо хушёр бўлиши лозим.

Ёнғинлар содир бўлишини камайтириш, иложи борича унинг олдини олиш мақсадида ёнғин хавфсизлиги ходимлари бир қатор ишларни амалга ошириб келишмоқда. Жумладан, ҳар мавсум олдидан маҳаллаларда, ўқув муассасаларида, корхона ва ташкилотларда тарғибот-ташвиқот ишлари, давра суҳбатлари ўтказилиб, аҳоли ва ўқувчи-ёшлар бундай офатларни келтириб чиқарувчи сабаблар, уларга қарши курашиш чора-тадбирлари билан таништириб борилмоқда.

Бундай тадбирлар, албатта, ўз натижасини бераяпти: ёнғинлар сони камаймоқда, олди олинмоқда. Аммо бу билан офатни бартараф этиш мумкин экан, деган фикрга бормасдан, янада ҳушёрроқ бўлиш, эътиборни кучайтириш зарур.

Р.ҲАЛИМОВ,
32-ҲЁХО 2-смена бошлиғи, капитан
Ж.БЕРДИЕВ,
12-ҲЁХО 1-ҲЁХ алоҳида пости кичик инспектори, кичик сержант

1985 йилда Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 230-умумий ўрта таълим мактаби томонидан Хамдамова Шарофат Юсуповна номига берилган № 665428 рақамли шаҳодатнома (аттестат) йўқотилгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

2014-yil 15-fevral, № 14 (8663)

Gurung

ГАП КЎНГИЛДА

Ичкаридан оқ халат кийган, қўлида дори солинадиган қути кўтарган дўхтир чиқиб, мунғайиб турган аёл қаршисига келиб, қўлларини кериб, бош чайқайди.

ДЎХТИР: — Энди бардам бўласиз-да, келинойи... Қўлдан келган ҳамма чораларни қўлладик, лекин начора, тиббиёт ҳали мўъжизага қодир эмас. Тайёргарликни кўришдан бошқа иложингиз йўқ.

ХОТИН*(йиқламсираб):* — Бошга тушганини кўз кўради-да, иложимиз қанча, дўхтир?..

(Дўхтир бошини сараклатиб, қўлини кўксига қўйганча ҳовлидан чиқиб кетади. Шу эшикдан Тўғриқул ҳовлиқиб киради.)

ТЎҒРИҚУЛ: — Тинчликми, дарвозангларда «скорий» турган экан, кўзим тушди-ю, хабар олай, деб югуриб келяпман.

ХОТИН: — Лапарбой ака яна оғирлашиб қолдилар. *(Йиқлайди.)* Энди нима қиламан?! Ўпоқмидисўпоқмиди, эрим эди!..

ТЎҒРИҚУЛ: — Кеча тушпа-тузук эди-ю, мабодо бирорта яхши хабар эшитувдими?

ХОТИН: — Э, айтмоқчи, нариги маҳаллалик Ваққос амаки келиб, ўғлим фан доктори бўлди, деб оғиз кўпиртириб мақтанувди. Шу гапни эшитганидан ранглари оқариб-кўкариб-б турди-да, Ваққос амаки кетишлари билан «ваҳ!» деб юракларини ушладилар-у, ҳушларидан кетдилар. Дўхтир ҳаракатингларни қилаверинглар, дегандай гап қилди.

ТЎҒРИҚУЛ: — Бекорларнинг бештасини ебди, ўша дўхтир! Улар Лапарбойни билишмайди. Унинг дарди танасида эмас, кўнглида! Кўнглини топиб гапирилса, тузалиб кетади!

ХОТИН: — Айттанингиз келсин, ишқилиб!

ТЎҒРИҚУЛ: — Айтганимни келтираман ҳам! Қани, касални кўрайликчи!

(Тўғриқул Лапарбойнинг хотинига эргашиб хонага киради. Хонадаги диванда Лапарбой узала тушиб, беҳуш ётибди. Тўғриқул унинг тепасига бориб дейди.)

— Лапарбой, ҳў Лапарбой! Мени эшитаяпсанми?

ХОТИН: — Беҳуш ётган одам ниманиям эшитарди?

ТЎҒРИҚУЛ: — Ҳозир кўрамиз-да, эшитиш-эшитмаслигини. Салимбойнинг ишдан олинганини эшитдингми, Лапарбой?!

ХОТИН: — Во-о-ой, тавба, анов бошқарма бошлиғи Салимбой Содиқовични ишдан олишибдими?

ТЎҒРИҚУЛ*(бармоғини лабига босиб, ёлғон ишорасини қилиб, гапида давом этади):* — Олишгандаям шармандаларча олишибди.

(Бемор бошини аста қимирлатади.)

Шокир бизнесмен бўлса, банкрот бўлиб дўкони, участкаси, машинасини сотиб, қарзларини тўлаётганмиш.

(Бемор кўзларини очиб, бошини ёстиқдан кўтаради.)

ЛАПАРБОЙ: — А-а-а-а!

ХОТИН: — Худога шукр, ўзларига келяптилар!

ТЎҒРИҚУЛ: — Кеча Метинбойнинг «мерседес»ини гаражининг эшигини қўпориб, олиб кетишибди.

(Бемор ўрнидан туриб ўтиради.)

Милицияда тоғаси бор экан, ўша машинани...

(Бемор яна ҳушидан кетиб, ёстиққа йиқилади.)

ЛАПАРБОЙ: — Э-э-э!..

ХОТИН: — Вой, хушхабар айтманг, айтманг, ўлиб қолади-я!

ТЎҒРИҚУЛ: — ...тоғаси милицияда бўлсаям машина топилмабди.

(Бемор яна кўзини очиб, бошини ёстиқдан кўтаради.)

Яна бир яхши янгилик! Шодимат шапшакнинг ўғли институтда ўқий олмай қишлоққа қайтиб кепти!

ЛАПАРБОЙ: — Қайтиб кептими?! Ажаб бўпти, зап бўпти! Шодимат, ўғлим фалон жойда ўқийди, деб гердайиб юрарди. Энди гердайиб бўпти!

ТЎҒРИҚУЛ: — Олмоснинг саккизта бўрдоқи қўйини тунда қўрасидан ўғирлаб кетишибди!

ЛАПАРБОЙ *(ҳиринглаб кулади):* — Саккизта қўйни-я! Шуниси зўр бўпти-да!

ТЎҒРИҚУЛ: — Яна бир зўр хабар!

ЛАПАРБОЙ: — Шошма, оғайни, шошма! Бунақа яхши гапларни «проста» гапириб, увол қилмасдан, яхши нарсани майдалаб, ҳузур қиле-е-еб, эшитиш керак! Мен ҳозир, ғизиллаб бориб, растадан тентак сувдан биттасини қўлтиқлаб келаман, унгача хотин қозонни чучитиб, жиз-пиз қилворади. Қиттай-қиттай қил-е-еб, ҳалиги яхши хабарларни бошидан тинглаб, бир мириқамиз! Ҳозир, мени кутгил ва мен тезда қайтарман!

(Лапарбой оёғига шиппагини илиб, ташқарига отилади.)

Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛ

Donish chirog'i

ВИЖДОН — НОМУСНИНГ СИЙРАТИ

Номус — чин гўзаллик ана шу!

Р. РОЛЛАН

***

Номус — виждоннинг суврати, виждон эса, номуснинг сийратидир.

А. ШОПЕНГАУЭР

***

Номус савдоси одамни бойитмайди.

Л. ВОВЕНАРГ

***

Номус ҳаётдан қимматлидир.

Ф. ШИЛЛЕР

***

Номус — ўлимдан кучли.

Ўзбек мақоли

***

Ҳақиқий номус ноҳақлик билан келишолмайди.

Г. ФИЛДИНГ

***

Табиат аёлга шундай дейди: «Уддасидан чиқсанг гўзал бўл, хоҳласанг оқила бўл, аммо идрокли бўлишинг шарт!»

Р. БОМАРШЕ

***

Қиз болани ҳурмат қил, унинг номуси ва шарафини, инсоний ғурурини авайла. Сенга ёққан қиз — сенинг бўлажак рафиқанг, болаларингнинг онаси. У барҳаётлигингнинг гарови, у сени болаларинг қиёфасида яна қайта дунёга келтиради.

В. СУХОМЛИНСКИЙ

***

Аёл, бу — бахтга таклифнома.

Ш. БОДЛЕР

***

Аёлнинг аёллигини у қандай эркакни севганидан билиш мумкин.

В. БЕЛИНСКИЙ

***

Фақат аёлгина вақтинчалик вақтни тўхтата олади.

Ю. БУЛАТОВИЧ

***

Қиз бола севгида оқила ва талабчан бўлгани яхши. Муҳаббат — қайноқ ҳиссиётлар, аммо унга ақл, идрок ҳокимлик қилмоғи керак.

В. СУХОМЛИНСКИЙ

Саҳифани Маҳмуд САЪДИЙ тайёрлади.

ДУНЁНИ СЕВМОҚ

Нақл

Бир неча киши тўпланиб, «золим нафс», «хоин дунё», «мусибатларнинг энг аввали» каби сифатлар билан дунёни ёмонотлиқ қилишарди. Қизиғи шундаки, улар дунёни ёмон деганлари сари кайфиятлари чоғ, гўё бошқа бир оламда «сайр» этишарди. Иттифоқо, бу мажлисга келиб қолган ҳақиқий бир олим уларга:

— Сиз дунёни нақадар севишингизга ҳайрон қолдим! — дея хитоб қилди.

Бу гапдан мажлис аҳли довдираб қолди. Ҳамма сукут сақлади. Ниҳоят, ичларидан энг олим бўлгани чиқиб:

— Биз дунёни мақтамаяпмиз, аксинча, ёмонлаяпмиз, башарти, дунёни севганимизда уни мақтардик. Бинобарин, сенинг бу сўзларинг маъносиз, мантиқсиз, — деди.

Ҳалиги ориф зот шундай деди:

— Йўқ, ундай эмас. Дунё сизга ёр бўлмагани учун ҳам уни ёмонлаш билан қалбингиз таскин топмоқда. Агар қалбингизда дунёга қизиқиш бўлмаганида, у билан овора бўлмас эдингиз. Инсон севган нарсасини гапириб, тасалли топади. Сиз ёмонлаш орқали яширин севгингизга таржимон бўлиб, қалбингиз тафтини босмоқдасиз.

ҲИССА

Тил кўнгил таржимонидир. Тиллар кўнгилларга боғланган. Ошиқнинг фикри нима бўлса, зикри ҳам ўшадир. Қалби покиза, комил инсон бошқанинг қадрини ерга уришни эп кўрмайди, бироқ воқеаларга ибрат назари билан қарайди, керакли хулосалар чиқаради.

ҲИКМАТ

Дили покнинг тили пок.

ЕР ШЎРЛИК...

Latifalar

Афандининг янги олган хотини шаллақи чиқиб бўлар-бўлмасга жанжал қилаверар эди, бир куни сочини юлиб:

— Эрга теккунча, ерга тегсам бўлмасмиди! — деди.

— Унақа дема, — деди Афанди, — ер шўрлик нима гуноҳ қилибди!..

САДҚАИ ДЎППИ КЕТСИН

Афандининг товуғи курк бўлиб қолди. Афанди "зотлироқ товуқдан очирай", деб, бозордан ўнта йирик-йирик тухум олди ва дўпписига солиб уйига жўнади. Йўлда келар экан, Афанди хаёл сурди: товуқ тухумнинг ўновини ҳам хато қилмай очиб чиқса, буларнинг ҳаммаси туғиб берса, ҳар йили юзтадан туққанда қанча тухуму, яна қанча жўжа бўлади. Ҳисобини чувалтириб юборib, яна бошқатдан санай бошлади. Аммо "саккиз минг макиён"га келганда ҳисобини яна йўқотди; яна бошқатдан санади, шу жойга келганда яна ҳисобни йўқотган эди, қўлидаги дўппини ерга уриб, деди:

— Шундай аҳмоқ каллага садқаи дўппи кетсин!

ИСМ ҚЎЙИШДА ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Hazil

Бир корхонага янги ходим ишга қабул қилинаётган вақтда кадрлар бўлими бошлиғи махсус варақани тўлдириш ниятида сўрай бошлабди:

— Фамилиянгиз?

— Оловиддинов, — дебди янги ходим.

— Отангизнинг исми?

— Учқунбек.

— Ўзингизнинг исмингиз?

— Оташбек.

— Жуда яхши. Энди яшаш манзилингизни ҳам айтиб юборинг, — деб яна сўрабди бўлим бошлиғи.

— Машъал тумани Куйганёр қишлоғидаги Аланга маҳалласининг Гулхан кўчаси 101-хонадонида яшайман.

Янги ходимнинг бундай жавобидан сўнг, бўлим бошлиғи ярми ҳазил, ярми чин билан:

— Кечирасиз, мабодо уйингизнинг томлари ва дарвозаси қизғиш-оловранг эмасми? — деб сўрабди.

— Ҳа, ҳа, худди шундай, топдингиз. Сиз буни қаердан биласиз? Биз томонга йўлингиз тушганми? — дея қизиқибди ходим.

— Йўқ, — дебди бўлим бошлиғи. — Фақат мантиқий фикр мени шу хулосага олиб келди. Ахир, фамилиянгиз, отангизнинг исми, ўзингизнинг исмингиз, ҳатто яшаш манзилингиз ҳам ёнғин-гулхан билан боғлиқ бўлгач, уйингизнинг томи ва дарвозаси оловранг бўлиши керак-да. Лекин бу кетма-кетлик якунидан Худо асрасин.

Ҳамиджон ТОҲИРЖОНОВ, физика-математика фанлари номзоди

2014-yil 15-fevral, № 14 (8663)

Kamolot pillapoyalarida

«УМИД ВА ИШОНЧ — СПОРТЧИНИНГ ЯҚИН ДЎСТИ»

— дейди 2013 йилнинг спорт маликаси дея эътироф этилган иқтидорли теннисчи Нигина Абдураимова

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий телерадиокомпания ҳамда қатор ҳамкор ташкилотлар ва идоралар томонидан ўтказилган «Эътироф — 2013» танловининг тақдимот маросимида «Йилнинг спорт маликаси» дея тан олинган Нигина Абдураимова эндигина 19 ёшга тўлди. Дунёнинг энг кучли теннисчилари рўйхатида илдамлик билан юқорига кўтарилиб бораётган бу қизнинг муваффақиятлари, албатта, кўпчиликни ҳайратлантиради, ҳаваслантиради. Эҳтимол, унинг ютуқлари ҳақида гап кетганда кимдир фарзандига зимдан қараб: «У ҳам сенинг тенгдошинг-ку!» дер. Балки кимлардир унинг ортидан бормоқни истар. Зеро, бугун мамлакатимизнинг пойтахтидан тортиб энг чекка қишлоқларигача ёшларимизнинг ўзлари севган спорт турлари билан шуғулланишлари, чиниқиб, тобланиб катта-катта марраларни забт этмоқлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилаётир. Қолгани эса ўғил-қизларимизнинг интилиш ва саъй-ҳаракатлари, мураббийларнинг фидойилиги, қолаверса, ота-оналари ва яқинларининг қўллаб-қувватлашларига боғлиқ.

Чемпионлар чемпион бўлиб туғилмайди...

«Яхши одамлар кўпайсин, десангиз, яхши оналарни кўпайтиринг», деган гап бор. Абдураимовлар сулоласининг уч авлод вакиллари — Биродар, Жасур, Нигинанинг спорт соҳасидаги залворли одимлари жуда кўп жиҳатдан меҳнаткаш ўзбек аёли Малоҳат ая Аббосованинг сабр-тоқати, меҳнатлари, ғамхўрликларига таяниб ташлангани айни ҳақиқат. У рафиқа сифатида Биродар акани каттакатта мақсадлар сари ҳамиша руҳлантириб келди. Ўғли Жасурнинг биринчи маслаҳатгўйи, дўсти, ҳатто зарурат бўлганда рақиби сифатида ёнида туриб, камол топишига ҳисса қўшди. Муваффақияту мағлубиятларга адолат ва ақл кўзи билан қарашга ўргатди. Набираси Нигина-ку, унинг рағбатлари туфайли спортнинг заҳматли ва шарафли йўлини ихтиёр этди.

— Нафақага чиққанимда мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари эди, — дейди Малоҳат ая. — Ҳамма соҳаларда янгиланишлар бошланган. Халқимиз улкан ишларга бел боғлаган. Кексаликни тан олгим келмас, юртимнинг равнақига қайсидир йўл билан улуш қўшгим келарди. Ана шу ниятимни набирам — болалигиданоқ тиниб-тинчимас, зийрак ва қизиқувчан Нигинахонни тарбиялаш, иқтидорини қўллаб-қувватлаш орқали ушалтиришни дилимга тугдим. Ўзим ҳам ёшлигимда муттасил спорт билан шуғулланганим, оилавий муҳит қизалоқда ўзига хос қобилият борлигини илғашимга кўмаклашган бўлса ажабмас. Хуллас, у етти ёшни қаршилагунича теннис ҳақидаги тасаввурларини шакллантирдим. Чунки у бўйчанлиги, ҳар бир юмушга кўнгли тўлмагунча уринавериши, «чарчадим» деган сўзни ҳеч тилга олмаслиги билан «Ундан, албатта, яхши теннисчи чиқади!» деган фикримни тасдиқлаган эди. Лекин баъзида хулосаларингиз сизни шошириб ҳам қўяркан. Уни ажойиб мураббий қўлига топшириб, тўғарак машғулотларига жалб этдиг-у, кўп ўтмай ташлади-кетди. Англадимки, ҳали у спорт оламига кириш учун руҳан тайёр эмас. Мендан, онасидан ажралиб ҳар куни қаттиққўл мураббий талабларини адо этиш, бир томондан ўқувчилик вазифаларини уддалашга ўзида куч тополмаётганди. Аммо иштиёқ, истеъдод сўнмаган, фақат вақт керак эди ҳар жиҳатдан ҳозирланишига...

— Тўқкиз ёшга етганимда теннис ҳаётимнинг мазмуни эканини тушундим. Телевизорда беллашаётган қизларни кўрсам, ҳаёлан улар билан бирга «ўйнардим», — дейди бу ҳақда Нигинанинг ўзи. — Ниҳоят, яна бувимнинг бош-қошчилигида машғулотларга қатнай бошладим. У киши қишнинг совуғида ҳам, ёзнинг иссиғида ҳам менга ҳамроҳлик қилишдан эринмас, мусобақаларда энг қадрдон мухлисим сифатида қувватлаб турар, қайси мамлакатга йўл олмайин, албатта, иккита чипта харид қилар эди. Шуғулланишим, ўрни келганда спорт анжомларини харид қилишим учун ҳеч қандай маблағни, топган-тутганларини аямасди.

Қатъий интизом — муваффақиятлар калити

Ўн тўрт ёшида спорт устаси, ўн олти баҳорни қаршилаганида эса халқаро тоифадаги спорт устаси даражасига кўтарилган, қатор хорижий мамлакатларда ташкил этилган турнирларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилган, Халқаро теннис федерацияси томонидан ўтказилган мусобақаларнинг саккизтасида ғолиб чиққан Нигина Абдураимова «Муваффақиятларингизнинг сири нимада?» деган саволга кўп бора дуч келган. Табиатан камгап ва тортинчоқ қиз бундай кезлари жилмайибгина қўя қолади. Бунинг сирини эса Малоҳат ая яхши билади.

— Нигинани гўдаклигидан қатъий тартиб-интизомга риоя этишга ўргатганман. Дам олиш соатларини тўғри ташкил этиш, вақтида овқатланиш, уй юмушларини ўринлатиш, тозалик ва озодаликка амал қилиш, машғулотларга қатнаш, уй вазифаларини тайёрлаш, телевизор томоша қилиш, китоблар мутолааси... Кун тартиби шундай режалаштириладики, камдан-кам ҳолатда ўзгартириш киритилади. Шунингдек, уйқу масаласига жиддий эътибор қаратиш керак. Тиниқиб, ҳар куни бир хил вақтда тўйиб ухлаш руҳиятнинг ҳамиша тетик бўлишига хизмат қилади. Инсоннинг яхши ўйҳаёллар билан яшаши, атрофдагиларга хушкайфият улашиши, ўзига бўлган ишончнинг мустаҳкамлиги, қувноқлик ҳам ички имкониятларнинг юзага чиқишига хизмат қилади. Нигинанинг Лазиз исмли укаси бор. Опа-укалар уйда бирга бўлиб қолишса, улардан бахтиёр одам йўқ. «Одамзод яқинларидан куч олади», деган нақлнинг далилини кўргандек бўламан уларнинг ҳаракатларини кузатиб баъзида. Кейинги йилларда Нигинанинг жуда кўп вақти сафарларда ўтаяпти. Хорижий мамлакатларда бўлганимизда Ўзбекистонни жуда тез соғиниб қолганини сезаман. Самолётдан шаҳримиз аэропортига тушишимиз билан кўзлари қувончдан порлаб кетади.

Мағлубият — энг катта сабоқ

Машғулотларга дастлаб қатнай бошлаган кезлари туни билан оёқлари, қўллари оғриб чиқишидан безиллаб қолган Нигина жароҳатлардан ҳам қочиб қутулолмади. Шундай чоғлари баъзида у бувисининг кўксига бошини қўйиб йиғлар, моможониси эса «Сабр қил, қизим, сабр», дея сочларини силаб, пешонасидан ўпиб қўярди. У ҳаммасини катта чидам, меҳнат ва такрор-такрор соатлаб қилинадиган машқлар билан енгди. Синовлар унга катта мукофот — саломатлигини мустаҳкамлаш, вужудини чиниқтириш, иродасини тоблашдек неъмат ҳадя этди!

— Спортчининг энг катта душмани унинг тушкун кайфияти, умидсизлик уйғотувчи ўйларидир, — дейди Нигина. — Теннис менда маррани бериб қўймаслик, кучлилар ичра кучли, муносиб эканлигингни фақат ва фақат меҳнат ва изланишлар билан исботлаш мумкинлигини унутмасликка ўргатди. Муваффақиятларимдан кўра, мағлубиятларимдан кўпроқ сабоқ олишга одатлана бошладим. Албатта, ютсангиз, ҳамма сизни қутлайди. Хурсандсиз — бори шу! Лекин мағлубият алами сизни ўз устингизда яна ва яна кўпроқ ишлашга, хаталарингизни тузатишингизга, кучингизга куч қўшилишига туртки бўлади. Спортчилар оиласида улғайиб, ростгўйлик ва ҳалоллик жуда гўзал фазилат, инсонни ҳамиша ҳимоя этиб турувчи қалқон эканини теран тушуниб вояга етганимдан суюнаман. Мен кўпроқ бувимнинг тарбиясини олганман, у киши болалигимда «Сен улғайсанг дунёни кўрасан. Ўзга юртлардаги чиқишларинг ўзбекистонликлар ҳақида илиқ таассуротларни уйғотиши, керак хорижликларда. Билгинки, ота-боболаримиз лафзи бутун, ҳақгўй, бир сўзли бўлишган...», дея кўп такрорлардилар. Тўғриси, агар оёғинг оғриётган бўлса-ю, мусобақада буни рақибингга сездириб қўйсанг, у сени кўпроқ югуртиришга уриниб, ҳолдан тойдиришга ҳаракат қилади. Шундай теннисчиларни кўрдимки, жароҳати бўлмаса ҳам ўнг ёки чап қўлини боғлаб кортга чиқади. Рақиб эса унинг кучсиз томонини илғагандек коптокни айнан шу томонга йўналтираверади. Кейин аён бўладики, айнан «заиф» томонининг зарбалари кучлироқ бўлгани учун атайлаб «хаста»га айлантирилган ёки шунга ўхшаш ҳолатлар... Бундай уринишлар ғашимга тегади.

Виктор Пушкарёв, Гулнора Умарова, Пётр Лебед сингари ажойиб мураббийлар таҳсилини олдим. Ҳамон шогирд сифатида улардан ўрганишим керак бўлган сабоқлар жуда кўп. Жаҳонда тан олинган теннисчиларга рақиб бўлиб, ҳаракатларимдаги бўшлиқларни тўлдиришдек имконият топдим. Бобом, бувим, ота-онам, биз, ёшларга ишонч билан қараб, истеъдодимизни намойиш этишимиз учун барча имкониятларни яратиб бераётган Юртбошимиз, келажаги буюк Ватанимнинг меҳру эътибори... Ер юзининг қайси бурчида мусобақалашаётган бўлмай ана шу хизматларнинг ҳақини адо этиш масъулияти менга қувват бериб туради.

Ойбуви ОЧИЛОВА

СПОРТ АҚЛНИ ҲАМ ЧАРХЛАЙДИ

Мамлакатимизнинг қайси бир гўшасида ёшларни соғлом турмуш тарзига жалб этиш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун жиддий эътибор қаратилаётган бўлса, ўша ерда, албатта, ижобий ўзгаришлар, улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Избоскан туманининг чекка қишлоқларидан бири — Туячида ҳам ёшлар спорт билан дўст тутинган. Улар, аввало, ўз саломатлигини мустаҳкамлаш, қад-қоматининг тўғри шаклланиши, жисмоний фаоллигини ошириш учун спорт билан мунтазам шуғулланишади.

Туманда жойлашган 17, 18 ва 45-умумтаълим мактабидан машҳур спортчилар, ҳарбийлар, зиёлилар етишиб чиққан. Хусусан, Осиё чемпионлари Мирзоҳид Назаров (каратэ), Абдулборий Хурбоев (муайтай), «Андижон» футбол жамоаси ҳужумчиси Лочинбек Солиевни бугун бутун республикамизда яхши билишади.

Избосканлик ёшлар бўш вақтини бекорчи ишларга сарфламай, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам бирдек шуғулланиш имкониятига эга шинам спорт заллари, мажмуаларида малакали мураббийлар кўмагида машғулотларда иштирок этишмоқда.

Соғ танда — соғлом ақл, дейди халқимиз. Туячилик ўқувчилар турли фан олимпиадалари, кўрик-танловларга туман ва вилоят миқёсида пешқадамлар қаторида боришмоқда. Хорижий тиллар бўйича ўтказилган кўрик-танловда 18-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Асадбек Искандаров 1-ўринни эгаллаган бўлса, Мавлудахон Жалолиддинова «Президент асарлари билимдони» танловининг вилоят босқичида ғолиб деб топилган.

Демак, спорт билан шуғулланган одамнинг нафақат жисмоний, балки интеллектуал салоҳияти ҳам юксалиб боради.

О.СИДДИКОВ

Андижон вилояти

REPETITORLIK FAOLIYATI BILAN SHUG'ULLANUVCHI O'QITUVCHI-MURABBIYLAR, O'QUV MARKAZLARI HAMDA ABITURIYENTLAR DIQQATIGA!!!

"SHARQ" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi qoshidagi **"NAFIS BEZAK"** dizayn va ishlab chiqarish markazi **"ABITURIYENT–2013"** loyihasi asosida chop etilgan turkum qo'llanmalarni sotuvga chiqarganini ma'lum qiladi.

Mualliflar Yodgor va Erkin Sharifboyevlarning "ELEMENTAR MATEMATIKA" turkumiga oid kitoblari (*jami 5 qismdan iborat*).

YANGI!

Mualliflar Madrim Hamroyev va Sharafjon Sariyevning "ONA TILI va ADABIYOT" turkumiga oid kitoblari (*jami 7 qismdan iborat*).



Quyidagi barcha savdo nuqtalari bank to'lov terminallari bilan ta'minlangan.

SOTUVDA:

Hurmatli o'qituvchilar, o'quvchilar va ota-onalar!

Xalq ta'limi vazirligi tomonidan erkin savdoga chiqarilgan darsliklar **"SHARQ ZIYOKORI"** kitoblar markazining markaziy hamda viloyatlardagi filiallarida sotilmoqda!

"MEHNAT TA'LIMI" 2-, 3-, 5-sinf maktab darsliklari

"TASVIRIY SAN'AT" 5-sinf maktab darsligi

DIQQAT, AKSIYA!

Shoshiling! 2014-yilgi qabul imtihonlariga sanoqli oylar qoldi!!!

"Abituriyent–2011/2012" loyihasiga taalluqli kitoblarning arzonlashtirilgan aksiyalari **"SHARQ ZIYOKORI"** kitoblar markazining markaziy hamda viloyatlardagi filiallari, shuningdek, boshqa kitobsavdo do'konlari orqali amalga oshirilmoqda. Marhamat, qo'ng'iroq qiling!

"ONA TILI" (qo'llanma va test) **"ADABIYOT"** (qo'llanma va test) **"NEMIS TILI", "INGLIZ TILI"** (mavzulashtirilgan testlar) **"MATEMATIKA"** (mavzulashtirilgan testlar o'zbek va rus tillarida) **"O'ZBEKISTON, JAHON VA QADIMGI DUNYO TARIXI"** (mavzulashtirilgan testlar) **"TARIXIY SANALAR, SHAXSLAR, ATAMALAR VA TUSHUNCHALAR"** tarix faniga oid ma'lumotlar to'plami

Manzil: 100000, Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Mo'ljal: «Mustaqillik maydoni» metro bekati.
Telefon raqamlari: +998 (71) 236-5401; (faks) 233-4537; (marketing bo'limi) (93) 501-5403, 505-5403; (buxgalteriya bo'limi) 501-5404; (ishlab chiqarish bo'limi) 501-5402; (ma'muriyat) (93) 501-5401, (98) 301-5401.
Elektron manzil: nafisbezak@mail.ru; Web-sayt: nafisbezak.uz; axborot hamkorimiz: imtihon.uz; sharq.uz.

"SHARQ ZIYOKORI" kitoblar markazi

MUROJAAT UCHUN TELEFONLAR: (+998 95) 177 -2014; (+998 71) 233-3590; 233-5872.

Andijon shahri: Istiqlol ko'chasi, 8-uy. Mo'ljal: Andijon temiryo'l vokzali, Bobur maydoni. +998 (95) 200-8644; +998 (95) 200-4803; +998 (91) 486-9847; +998 (90) 258-2479.
Andijon shahri: «Oltin sahifa» MChJ, Milliy tiklanish ko'chasi, 18-uy. Mo'ljal: «Navro'z» do'koni, viloyat o'qituvchilar malakasini oshirish instituti. 8 374 228-4795; +998 (90) 526-9771.
Buxoro shahri: Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy. 8 365 223-7596; (93) 620-2333; (91) 444-1212.
Buxoro viloyati: Jondor tumani, «Giyasov Azim» X.T. Mo'ljal: Buxoro yo'nalishidagi avtobekat. 8 365 582-2871; +998 (95) 604-4462; (91) 441-4982; (91) 441-4981; (91) 442-2285.
Jizzax shahri: Sharof Rashidov ko'chasi, 1-uy. 8 372 226-4293; +998 (90) 538-1600.
Jizzax shahri: "Barimov Umid" X.T., Mo'ljal: "Laretta" savdo majmuasi, «Ko'kbozor» yonida. +998 (90) 310-9610; +998 (94) 342-9933; +998 (94) 573-3661.
Navoiy shahri: O'zbekiston ko'chasi, 14-uy. Mo'ljal: viloyat sudi va musiqa maktabi yonida. 8 436 223-0130; +998 (90) 730-1234; +998 (95) 603-4513; +998 (93) 663-2001.
Namangan shahri: Navoiy ko'chasi, 36-uy. Mo'ljal: shahar soliq inspeksiyasi, «Farhod» supermarketi, «Sardoba» bozori yonida. 8 369 232-1888; +998 (93) 494-6873; (95) 303-6873.
Namangan shahri: "Ma'rifat gulshani savdo servis" MChJ, A. Ho'jayev ko'chasi, 6-uy. +998 (90) 261-7555; +998 (93) 915-3443; +998 (93) 915-7007; 8 369 227-8964.
Nukus shahri: Do'stlik guzari ko'chasi, Mo'ljal: «Amfiteatr» yonida, Nukus aeroporti yo'lida. 8 361 222-3239; +998 (93) 614-3932; +998 (93) 489-2522.
Samarqand shahri: Universitet xiyoboni, 15-uy, Mo'ljal: SamDU geologiya fakulteti yonida. 8 366 239-1468; +998 (90) 224-2954; +998 (91) 525-6775.
Samarqand shahri: "Ishanqulov Furqat" X.T., Shohruh ko'chasi, 33-uy. Mo'ljal: "GUM", "Kritrinok". 8 366 233-2833; 8 366 231-1272; +998 (91) 534-2831.
Xiva shahri: «Ichanqal'a» muzey-qo'riqxonasi. 8 362 375-4308; 8 362 375-6928; +998 (91) 431-5787; +998 (90) 579-6447; +998 (91) 917-6960.
Xorazm viloyati: "PROMETEY" X.K., Pitnak shahri, K. Otaniyozov ko'chasi, 7-uy. +998 (91) 137-7355; +998 (93) 754-4966.
Farg'ona shahri: K. Dodhoh ko'chasi, 2-uy, Mo'ljal: viloyat o'qituvchilar malakasini oshirish instituti. 8 373 275-8765; +998 (95) 400-4468; +998 (91) 666-0077.
Farg'ona shahri: «Toshpulatov Anvarjon» X.T. Mo'ljal: dehqon bozori hududidagi «Barokat» savdo do'koni. +998 (93) 481-8888; +998 (98) 276-9969.
Marg'ilon shahri: Mustaqillik ko'chasi, 380-uy. Mo'ljal: Marg'ilon dehqon bozori yonida. 8 373 233-3683; +998 (98) 576-5509.
Guliston shahri: Mustaqillik ko'chasi, 81-uy. 8 367 225-1299; +998 (91) 509-7252.
Termiz shahri: At-Termiziy ko'chasi, 1-uy. 8 376 223-1104; +998 (93) 636-6868; (93) 638-3858.
Termiz shahri: "Ilgamuratov Akbar" Y.T. Mo'ljal: Markaziy bozor, "O'siyo" restorani, 1-qavat. +998 (90) 644-1700; +998 (93) 610-0248; +998 (91) 901-9202. Sho'rchi tumani: +998 (94) 548-5775.
Qarshi shahri: O'zbekiston ko'chasi, 245/1-uy. Mo'ljal: Markaziy univermag yonida. 8 375 225-3279; +998 (93) 905-5656; (98) 776-4101; +998 (98) 275-4101.
Toshkent shahri:
«Bodomzor», Yunusobod tumani, Bog'ishamol ko'chasi, 8-uy. 8 371 234-6085; +998 (91) 163-6018.
«O'rda», Shayxontohur tumani, Navoiy ko'chasi, 16-uy. 8 371 241-2590; +998 (94) 698-8979; +998 (90) 982-6941.
«Chorsu», Shayxontohur tumani. +998 (94) 601-8915; +998 (93) 541-9010; +998 (90) 316-5855.
«Milliy kutubxona», Yunusobod tumani, Navoiy ko'chasi, 1-uy. +998 (93) 394-8988.
«Aviasozlar», Hamza tumani, Ismoilov ko'chasi, 22-uy. 8 371 296-0826.
«Beruniy», Shayxontohur tumani, Beruniy ko'chasi, 12-uy. +998 (93) 902-1175.
«Farhod», Uchtepa tumani, Farhod ko'chasi, 58-uy. +998 (95) 177-2013.
Toshkent viloyati: X.T. "Azimov Doniyor", Zangiota tumani, "Ilmshu'lasi" MChJ bozori, V blok, 3-4-5-do'konlar. +998 (94) 676-1171; +998 (94) 615-3343; +998 (94) 675-6646.
Toshkent viloyati: "Anush Kans Savdo" MChJ, Zangiota tumani, "Ilmshu'lasi" MChJ bozori, G blok, 10-11-do'konlar. +998 (71) 150-2741; (90) 938-2244; (90) 979-9997.

Qo'ng'iroq qiling!!!

Ma'rifat
TA'SIS ETUVCHILAR:
O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy kengashi.

Bosh muharrir: Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Farhod RIZAYEV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Mirzakarim XUDDIYEV, Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416

INDEKS: 149, 150. Г-226.
Tiraji 67180.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 233-53-14, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 233-56-45, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 233-54-49, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 233-54-63, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 233-76-40, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar: Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.

Navbatchi muharrir: Qurbonboy MATQURBONOV.

Navbatchi: Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

ЎзА якуни — 23.15
Topshirildi — 23.20